

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ”
МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ПЕДАГОГОИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
ЎРНИ**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Фарғона - 2017

**Муаллифлар: - Б. Усмонов, т.ф.н.
 И. Холбеков**

**Такризчилар - С. Йўлдошев, тарих кафедраси катта ўқувчиси
 - Ш. Махмудов, т.ф.н., ФарПИ проректори.**

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

Ўзбекистон тарихи фанидан “Амир Темур давлати” мавзусини ўқитишдаги
педогогик технологиялар.....

“Амир Темур давлати” мавзуси бўйича маъруза матни.....

“Амир Темур давлати” мавзусидан кейслар.....

«Амир Темур давлати” мавзуси юзасидан тақдимот.....

Глоссарий.....

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Барча соҳаларда барқарор тараққий этиб бораётган Ўзбекистоннинг келажаги, порлоқ истикболи кўп жиҳатдан ёшларнинг таълим ва тарбиясига, ватанига садоқат руҳида тарбиялашга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам таълим тизимига, жумладан олий таълим тизига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Таълим сифатини кескин кўтариш, жаҳоннинг юқори стандартларига жавоб бера оладиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш доимо долзарблик касб этиб турибди.

Таълим сифатини оширишда берилаётган материалнинг энг сўнгги илмий тадқиқотлар натижаларига асосланганлиги, ҳар жиҳатдан тажрибадан ўтказилиб амалга тадбиқ этилганлиги муҳим, албатта. Лекин таълим сифати ушбу ўқув материалнинг қанчалик ўзлаштирилиши билан белгиланиши ҳам табиий. Ўқув материални самарали ўзлаштирилишига эса бир қатор омиллар таъсир қилади. Мазкур омиллар қаторида таълим берувчининг педагогик қобилияти, замонавий ахборот воситалари ҳам педагогик технологиялардан қай даражада фойдалана олиши кабиларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Шунинг учун ҳам таълим жараёнидаги иштирок этувчи таълим берувчиларни педагогик қобилиятини доимий равишда сайқаллаб бориш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларини таълим жараёнига янада кенг жорий этиб бориш тобора муҳим аҳаҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ҳозирги кунда олий таълим муасасаларида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бу эса ушбу масалага бағишланган услубий тавсияларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришига ҳам сабаб бўлаётганлиги масалани янада чуқурроқ таҳлил этиш тақазо қилади. Ушбу услубий кўрсатма мазкур эҳтиёждан келиб чиқиб тайёрланган. Унда Ўзбекистон тарихи фанининг энг

кизиқарли мавзуларидан бири “Амир Темур давлати” мавзусини ўқитишда ва ўргатишда қўлланилиши мумкин бўлган педагогик технологиялар ҳақида фикр юритилган. Мисол тариқасида баъзи педагогик технологиялар ушбу мавзу доирасида қўлланилиши кўриб чиқилиб, қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, услубий кўрсатмадан “Амир Темур давлати” мавзуси бўйича тайёрланган муаммоли маъруза матни, мавзу бўйича тайёрланган кейслар, ушбу кейсларни ечиш бўйича тавсиялар ҳамда уларнинг ечимлари ўрин олган. Унда замонавий ахборот технологиялари асосида яратилган “Амир Темур давлати” мавзуси бўйича тақдимот материаллари ҳам берилган бўлиб, ушбу тақдирот материалларига уларни тайёрлаш ва фойдаланиш бўйича изоҳ ва тавсиялар ҳам қўшимча қилинган. “Амир Темур давлати” мавзуси юзасидан тўлақонли тасаввур уйғотишда глоссарий ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таянч ибора ва атамаларнинг таърифи, илмий изоҳи талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириб, масалага қиёсий ҳамда танқидий ёндашувини таъминлайди. Шунинг эътиборга олиб услубий кўрсатмага мавзу доирасидаги таянч ибора ва атамаларнинг илмий изоҳи ҳам киритилган. Хулоса қисмида эса “Амир Темур давлати” мавзусини, шунингдек, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш борасидаги таклиф ва тавсиялар ўрин олган.

Ушбу услубий кўрсатма соҳа бўйича мутахассислар, катта илмий ходим изланувчилар, халқ таълими тизими ўқитувчилари, магистрантлар, олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган бўлиб, “Амир Темур давлати” мавзусини чуқур ўрганишда, мавзу бўйича ўқув машғулотларини ташкиллашда ўқув услубий ёрдам бўлиб хизмат қилади.

**Ўзбекистон тарихи фанидан “Амир Темур давлати” мавзусини
ўқитишда қўллаш тавсия этилаётган педогогик технологиялар**

“Ўзбекистон тарихи” фанининг бошқа мавзулари катори “Амир Темур давлати” мавзусини ўқитишда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим тизимларида қўлланилаётган кўплаб педагогик технологиялардан ижодий фойдаланиш мумкин. Биз қуйида уларнинг баъзиларини санаб ўтамыз:

- 1) Баҳслашув
- 2) Муносабат
- 3) Сценарий
- 4) Кичик гуруҳларда ишлаш.
- 5) «SCOPE» - интерфаол услуб
- 6) SCOPE-1
- 7) SCOPE-2
- 8) Ақлий хужум.
- 9) Ахборот соати
- 10) Қадамба-қадам
- 11) Зинама-зина
- 12) Чархпалак
- 13) Бумеранг
- 14) Резюме
- 15) Мулоқот
- 16) Дебатлар ва ҳоказолар.

Энг оммавий интерфаол таълим технологиялари сифатида уларни қуйидаги гуруҳларга бўлган ҳолда санаб ўтишимиз мумкин:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блитс-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Давра суҳбати”.

2. Стратегиялар: “Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”,

“Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротатсия”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор”.

3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?”.

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди.

Санаб ўтилган педагогик технологиялардан баъзиларини Ўзбекистон тарихи фанининг “Амир Темур давлати” мавзуси дорасида қўлланилиши масаласини кўриб чиқамиз.

“Амир Темур давлати” мавзусини ўқитишда зинама-зина технологиясини қўллаш ҳам мавзунини чуқур ўрганишга катта ёрдам бера олади. Бу технология бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларнинг жумладан, Америка Қўшма штатлари, Германия, Япония ва Россия давлатларининг олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда кенг қўлланилмоқда. Биз қуйида дарс жараёнида зинама-зина технологиясини қўллаш масаласини кўриб чиқамиз.

“Амир Темур давлати” мавзуси бўйича **Зинама-зина** технологиясини қўллаш варианты:

- ўқитувчи машғулот бошлангунга қадар ўқув материални бир неча кичик мавзуларга бўлиб олади (масалан, 2 ёки 3 та, 4 та ёки 5 та);

“Амир Темур давлати” мавзуси бўйича:


1. Амир Темур давлатининг ташкил топиши арафасида Осиё мамлакатларидаги геосиёсий вазият

2. Амир Темур давлатининг стратегик вазифалари
3. Амир Темур давлати томонидан стратегик вазифаларнинг бажарилиши
4. Амир Темур давлатчилиқ фаолиятининг аҳамияти
 - ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (гуруҳлардаги талабалар сони 4 ёки 5 та бўлгани маъқул);
 - ўқитувчи ўқувчиларни машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиши тартиби билан таништиради. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақалар тарқатилади;
 - ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойга жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;
 - гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзунинг ёзма (ёки чизма) кўринишда ифода этадилар. Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади;
 - тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал албатта адитория доскасига мантиқан тагма-таг зина шаклида илинади;
 - ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди (тақдимот вақтида бошқа гуруҳ аъзолари ҳам тақдимот қилинган мазмунга ўзларининг фикрларини билдиришлари мумкин);

Изоҳ: ўқув машғулотининг бундай ташкил этилиши талабаларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслашга, уларни ёзма (ёки чизма кўринишида) баён этишига фикрларни

умумлаштиришга ўргатади.

“Амир Темур давлатининг ташкил топиши арафасида Осиё мамлакатларидаги геосиёсий вазият” кичик мавзусини **зинама-зина** технологияси асосидаги таҳлили:



“Зинама-зина” технологиясидан фойдаланиш ўқитувчига талабаларга мавзунини мантикий кетма кетликда тушунтиришда, воқеаларнинг сабаб ва оқибат тизимида боғланилишини англаб етилишини таъминлашга қўл келади. Мазкур технология талабалар томонидан тарихий воқеа ва ходисаларнинг ривожланиш динамикасини тўлақонли ҳис етилишини таъминланишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу технологияни мавзунинг асосий қисмини тушунтиришда қўллаш катта самара беради. Чунки талабаларнинг ўзлари жараёнда фаол иштирок этадилар. Мазкур амалий фаолият уларда мавзунини тўлақонли англаб етишларига ёрдам беради. Талабаларнинг мавзу бўйича маъруза матни билан таниш бўлиши технологиянинг самарали қўлланилишини ва вақтдан ютилишини таъминлайди. Ўқитувчига воқеалар баёнини қисқартириб, кўпроқ уларнинг мантикий ривожланишини тушунтириши учун кўпроқ эътибор қаратишига имкон беради.

“Амир Темур давлати” мавзусини ўқитишда ижодий фикрлашни ривожлантиришга бағишланган технологияларнинг ҳам ўрни каттадир. А.Осборн педагогик ижодкорликни таърифлаш мақсадида «брейнсторлинг» – **«ақлий хужум»** тушунчасини таклиф этган. Унинг моҳияти – муаммони ечаётган киши ёки гуруҳнинг вазиятга ўзига хос таъсиридан иборат. А.Осборн индивидуал уринишлар натижасида ҳал бўлмаган муаммоларнинг **«брейнсторлинг»** вақтида муваффақиятли ҳал этилганлиги билан боғлиқ бўлган мисолларни келтиради. Унинг фикрича, тўртта тамойилга амал қилинганда, ижодий фаолликка эришилади: **1) ҳар қандай танқиднинг мумкинлиги, яъни истаган фикрни қўрқмасдан, уни ёмон дейишса ҳам айта олиш; 2) ҳар қандай кутилмаган фикрни рағбатлантириш, ғоя қанчалик ғайритабиий бўлса, шунчалик яхши; 3) тақдим этилаётган фикрлар қанчалик кўп бўлса, шунча яхши эканлиги талаби; 4) айтилган фикрнинг бирон кишиники эмаслигини тан олиш, ҳеч ким уни ўзиники қилиб олишга ҳаққи йўқлиги, яъни ҳар бир иштирокчи уни бошқа**

фикрлар билан қўшиб юбориш, ўзгартириш, яхшилаш ва мукаммаллаштириш ҳуқуқига эга эканлигидир¹.

“Амир Темур давлати” мавзусини ўқитишда “Ақлий ҳужум” технологиясини қўллаш масаласини кўриб чиқамиз.

Ақлий ҳужум, ўқитишда фикрлаш ва ижод қилишни рағбатлантирадиган усул бўлиб, гуруҳ дискуссиялари билан биргаликда қўлланилади. Ақлий ҳужумнинг асосий мақсади алоҳида бир мавзуга доир фикр ва ғояларни муқобил қарорларни генерациялашдан иборат. Ушбу ғоялар тўплами мавзунинг кириш қисмини ташкил этиши ёки гуруҳда дискуссиюни туғдириши мумкин. Ақлий ҳужумнинг иштирокчилардан муҳокама қилинаётган мавзуга доир маълум билимларга эга бўлишликни талаб этади.

Ақлий ҳужум – бирор масалани ҳал қилишга доир имкон қадар кўпроқ жавоб ва эчимларни санаб ўтишга қаратилган усулдир.

Бундай усул:

- ўқув жараёнига барча иштирокчиларни жалб этиш, барча жавобларни инобатга олиш;
- қийин масалаларни ечиш;
- гуруҳ квалификациясини ва билимини баҳолаш;
- агарда вақт етарли бўлмаса, қарорни тез қабул қилишга имкон яратади.

Ўқитувчининг вазифаси:

- гуруҳга масала бериш ёки муҳокама учун савол қўйиш;
- ёзиб бориш учун котибни тайинлаш (зарурият туғилганда);
- асосий қоидаларни бирин-кетин айтиш (масалан, танқид қилмаслик, барча фикрлар қабул қилинади);
- биринчи таклифларни киритиш (зарурият туғилганда);
- индивидуал изоҳларга баҳо бермаслик;
- вақтни белгилаб олиш (регламент);
- гуруҳга жавоб чегараларини кенгайтиришга кўмаклашиш;

¹ Осборн А. Поиск новых идей: от озарения к технологии. –М.: АСТ, 2000. –С.29.

- таклиф этилаётган жавобларни баҳолаш мезонларини танлаш.

Ўқувчининг роли:

- ижодий ёндашувни қўллаш;
- ҳамма фикрларни баён этиш;
- гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан киритилган таклифлар хусусида ўйламасдан фикр билдиришдан ўзини сақлаш;
- ақлий ҳужумдан кейин таклиф этилган эчимларни баҳолаш;
- ахборотни қўллашнинг энг қулай усулини белгилаб олиш.

Қуйидаги тавсиялар ақлий ҳужумни ўтказишни осонлаштиради:

- **Асосий қоидаларни белгилаб оламиз.**

Мисол: “Ақлий ҳужум давомида биз иккита асосий қоидага риоя қиламиз. Ҳамма айтилган фикрлар инобатга олинади, бир ўқувчи уларни флипкартага ёзиб боради. Аввал биз ҳеч қайси ғояни муҳокама ёки танқид қилмаймиз. Таклифлар рўйхатини ёзиб олганимиздан сўнг эса, ҳар бир таклиф ёки ғояни муҳокама қиламиз. Саволлар борми? Агар йўқ бўлса...”

- **Мавзу ёки муаммони эълон қиламиз.**

Мисол: “Кейинги дақиқаларда биз одатдаги қоидаларга кўра ақлий ҳужумни ўтказамиз. Бугунги кичик мавзунинг номи: **“Чиғатой улусининг парчаланиши, Мовароуннаҳр ва Мўғулистон давлатларининг ташкил топиши”**. Ушбу кичик мавзу бизга аввалги дарсда ўрганганимиз “Чиғатой улуси” мавзуси билан бугунги асосий мавзумиз “Амир Темур давлати” мавзусини боғлаш учун кўприк вазифасини бажаради. Ушбу мавзуга даҳлдор бўлган бирор фикрни айтишингизни истардим. Кейинчалик муҳокама қилишимиз учун иштирокчи уларни доскага ёзиб боради. Ким биринчи бўлишни ҳоҳлайди. Марҳамат, Анора...”

- **Фикрлар ва таклифларни флипкарта ёки доскага ёзиб борамиз.**

Бу такрорлашларнинг олдини олади, иштирокчилар диққатини мавзуда мужассамлаштиришга имкон беради. Бундан ташқари, ҳар бир банди бўйича муҳокама жараёнида ёзувнинг борлиги фойдалидир.

- **Иштирокчиларни муҳокамага жалб этамиз ва ижобий баҳолаш**

билан мукофатлаймиз.

Вақти-вақти билан ёзиб қўйилган фикрлар ва ғояларни, қўшимча фикрларни таклиф этишни рағбатлантириш мақсадида **такрорлаб борамиз.**

Ақлий ҳужумни айтилган барча таклифларни такрорлаш билан яқунлаймиз. Ақлий ҳужум методидан ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда ҳам фойдаланиш яхши самара келтиради. Ўқитувчи мавзунинг қайси қисми бўйича кутилган фикр ва ғояларни қабул қилганлигини, қайси қисми бўйича эса фикр ва ғоялар талабалар томонидан берилмаганлигини таҳлил этиш орқали мавзунинг яхши ўзлаштирилмаган қисмларини ҳам аниқлаб олиши мумкин. Бу эса ўша қисмлар бўйича яна қўшимча маълумот тақдим этиш имконини беради.

Ушбу методдан фойдаланишда ўқитувчи вақтдан самарали фойдаланишга, аудиторияда ҳаддан ташқари шовқин суроннинг куйиб кетмаслигини жиддий назорат қилишга эътибор қаратиши лозим бўлади. Чунки кўплаб педагогик адабиётларда “Ақлим ҳужум” методининг камчиликлари сифатида вақтнинг чўзилиб кетиши, шовқин суроннинг кучайиши санаб ўтилади.

Муаммоли таълимнинг асосини муаммо (юн. “тўсиқ”, “қийинчилик”) ёки **муаммоли вазият** ташкил этиб, муаммоли таълим технологияси уларнинг ечимини топишга хизмат қилади. Кўп ҳолатларда муаммо ва муаммоли вазият синонимлардек қабул қилинади. Аслида эса улар бири-биридан фарқ қилади. Маълум билимлар, номаълум билимлар, мавжуд тажриба муаммонинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Муаммони қўйиш муаммони излаш, муаммони қўйиш, муаммони ҳал қилиш босқичларига бўлинади. Муаммоли вазият – талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани эчиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади.

Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш босқичлари:

1. Муаммоли вазиятни яратиш.

2. Вазиятни таҳлил қилиш асосида муаммони қўйиш.
3. Фаразларни илгари суриш.
4. ечимни текшириш.

Муаммоли вазият методи – талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл. Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг эчими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазият методи қўлланилганда талабаларнинг фаолиятлари қуйидаги тизим асосида ташкил этилади:

Муаммоли вазият, эчимнинг усул ва воситаларини танлаш, янги муаммоларни башоратлаш, лойиҳа тақдимути ва ҳимояси, ахборотларни излаш, ҳаракатларни режалаштириш.

Муаммоли маъруза – ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаолиятини оширишга йўналтирилган маъруза бўлиб, муаммоли таълим технологияларининг асосий шакллари муаммоли баён, эвристик суҳбат, муаммоли намоёиш, изланишга асосланган амалий машғулоти, ижодий топшириқ, ҳаёлий муаммоли тажриба, муаммо фаразларини шакллантириш, масалаларни муаммоли эчишнинг оптимал вариантларини танлаш, муаммоли вазифа, муаммоли ўйинлар ҳисобланади.

«Амир Темур давлати» мавзуси бўйича адабиётларнинг етарли эканлиги ва талабаларнинг ҳам бу мавзу бўйича кўпгина маълумотга эга эканлиги уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ўз мустақил фикрларини шакллантириш ва уни баён қилиш бўйича кўникмаларини ривожлантириш зарурлигини ҳам тақоза этади. Бу ҳолатда “Давра суҳбати” методини қўллаш ҳам яхши самара беради. Унга кўпроқ муҳокама талаб этиладиган, сабаб ва оқибат масалаларига боғлиқ мавзуларни танлаш маъқул. Мисол учун **Амир Темур давлатига қарши тузилган биринчи учлар иттифоқи аъзоларини қандай манфаатлар бирлаштириб турарди?** саволи ҳам мавзунини янада чуқурроқ ўрганишга катта ёрдам беради

Давра суҳбати методи.

Давра суҳбати - таълим олувчилар ўртасида ва кичик гуруҳларда айлана стол атрофида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

"Давра суҳбати" методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан "кўз алоқаси"ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашишига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертнинг олган таълим олувчи ўз жавобини қоғозга ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

Давра суҳбати методининг афзалликлари:

- ўтилган материални яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар ўзаро мулоқотда бўладилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг иштирок этиш масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш имконияти мавжуд.

Давра суҳбати методининг камчиликлари:

кўп вақт талаб этилади;

Ўқитувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;

таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

«Амир Темур давлати» мавзусини ўқитишда “Чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги” интерфаол методидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бу методни олинган билимларни мустаҳкамлаш жараёнида фойдаланиш янада яхши натижалар беради

Масалан, “Амир Темур давлати” мавзуси бўйича амалий машғулот ўтказиляпти, дейлик. Дастлаб ўқитувчи доскага Амир Темурнинг ҳарбий юришларига оид сана ва атамаларни, географик номларни чалкаштирилган ҳолда ёзиб қўяди. Сўнгра, улардан мазкур ёзилганларни Амир Темурнинг уч йиллик, беш йиллик ва этти йиллик ҳарбий юришларига қараб таснифлашни таклиф этади.

Доскага ёзилган сана, атама ва географик ҳамда шахсларнинг номлари: 1385-1387 йиллар, 1392-1395, Олтин Ўрда, Терек, Умаршайх мирзо, Султония, Шероз, Боғдод, 1401, 1399, 1394, 1393, Анқара, Ҳалаб, Дамашк, Боязид, Гургон, Шайх Иброҳим, Қора Юсуф, Шоҳ Мансур, Исфаҳон, Измир, Озарбайжон, 1399-1404.

Уч йиллик юриш	Беш йиллик юриш	Етти йиллик юриш
1385-1387 йиллар, Султония, Шероз, Исфаҳон, Озарбайжон.	1392-1395, Олтин Ўрда, Терек, Умаршайх мирзо, Султония, Шероз, Боғдод, 1394, 1393, Гургон, Шайх Иброҳим, Шоҳ Мансур, Исфаҳон, Озарбайжон.	1399-1404 йиллар, Боғдод, 1401, 1399, Анқара, Ҳалаб, Дамашк, Боязид, Қора Юсуф, Измир,

“Амир Темур давлати” мавзуси бўйича маъруза матни.

Режа:

- 1. Амир Темур давлатининг ташкил топиши арақасида Осиё қитъасидаги геосиёсий вазият.**
- 2. Амир Темур давлатининг энг асосий стратегик вазифалари.**
- 3. Стратегик вазифаларнинг бажарилиши: жараён ва фактлар.**
- 4. Хулоса.**

Чиғатой улуси икки худудий-иқтисодий асосга таянган давлат эди. Бири ўтроқ деҳқончилик маданияти ҳукмрон бўлган Мовароуннаҳр бўлса, иккинчиси кўчманчи чорвачиликка асосланган хўжалик шакли асосий ўрин тутган этгисув ва Шарқий Туркистон ўлкаларини ўз ичига олган худуддир. Бу худуд тарихий манбаларда ҳали туркийлашиб улгурмаган мўғуллар аҳолининг асосий қисмини ташкил этганлиги учун ҳам Мўғулистон деб ҳам аталарди. Дастлабки мўғул хонлари Мовароуннаҳрни Маҳмуд ва Масъуд Ялавочлар каби маҳаллий амалдорлар орқали борот усули асосида бошқарар эдилар. Лекин кўчманчи турк-мўғул қабилаларининг тобора ўтроқлашиб бориши, хўжалик тараққиётининг табиий ривожланиш заруриятлари мўғул хонларини ҳам Мовароуннаҳрни бошқариш ишларига бош қўшишга мажбур эта бошлади.

Мүлоҳаза юритинг: Мўғул хонларининг Мовароуннаҳрни бошқариш ишларига бош қўшишга яна қандай сабаблар ундаган деб ўйлайсиз?

Биринчилардан бўлиб мўғул хони Кебек Мовароуннаҳрга катта эътибор бера бошлади. У дастлаб 1309-1318 йилларда акаси эсон Буқохон номидан, 1318-1326 йилларда бевосита ўзи ҳокимятни бошқарди. Унинг даврида Чиғатой улусининг пойтахти Мўғулистондан қадимий Насаф ёнида Кебекхон томонидан бунёд этилган Қарши шаҳрига кўчди. Шунингдек, унинг даврида Балх шаҳри ҳам қайта тикланди. Кебекхон томонидан ўтказилган пул ислоҳоти эса ҳунармандлар ва савдогарлар манфаатини кўзлаб амалга оширилган эди. Унинг пул ислоҳотига кўра мамлакатда ягона пул тизими

жорий этилди. Кебекнинг динор ва дирҳамлари мамлакат иқтисодий ҳаётининг ўнгланишига катта ёрдам берган. Кепакий динори пули эса Олтин Ўрда ва эронда ҳам кенг муомилада бўлди. Бир динор икки мисқол (1 мисқол – 4, 235 гр.) га тенг эди. Кебекхоннинг ҳарбий – маъмурий ислоҳотига кўра Чигатой улуси Мовароуннаҳрда туманларга, Шаркий Туркистон ва Фарғона водийсида эса ўрчинларга бўлинди. Бу билан маҳаллий феодалларга тегишли бўлган майда улуслар нисбатан тартибга келтирилди ва бошқарув ишида бир мунча энгилликка эришилди. Лекин ҳар бир ярим-кўчманчи ёки кўчманчи қабила жойлашган ҳудуд кўп ҳолларда бир туманни ташкил эди ва ўша қабиланинг бошлиғи шу туманнинг бегига айланган эди. Яъни ҳарбий – маъмурий ислоҳот қабилавий бўлинишга мослаштирилган эди. Бу ислоҳотнинг яна бир ижобий томони туманлардаги қабилаларнинг ўтроқлашув жараёни анча тезлашди. Кебекхоннинг сиёсатини унинг укаси Тармаширин давом эттиришга ҳаракат қилди. Унинг даврида Чигатой улуси ҳудудлари Ҳиндистонгача кенгайди.

Мулоҳаза юритинг: Кебекхон нима учун маъмурий ислоҳот ўтказди ва бу ислоҳотнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари нимада?

Лекин Кебек ва унинг укаси Тармаширин томонидан олиб борилган марказий ҳукуматни кучайтириш ва ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиб бориш, ислом динига катта ҳайрихоҳлик кўрсатиш сиёсати йирик мўғул феодаллари томонидан ижобий кутиб олинмади.

Мулоҳаза юритинг: Нима сабабдан Кебек ва унинг укаси Тармаширин олиб борган сиёсат йирик мўғул феодалларига маъқул келмади?

1334 йили Тармаширин тахтдан ағдарилди ва ҳокимят бирин кетин Бузан, Чангши, эсон Темурлар қўлига ўтди. Бу вақт амалда мамлакатда турк-мўғул қабила бошлиқларининг ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Шундай қилиб, кўп ўтмай Чигатой улуси иккига бўлиниб кетди. Бири Мовароуннаҳр, иккинчиси Мўғулистон улуслари эди.

Қозонхон даврида (1343-1346) улус маркази яна Мовароуннаҳрга кўчирилди ва у жуда қатикқўллик билан Кебек ва Тармаширин сиёсатини

давом эттирмакчи эди. У ҳам Кебекхонга ўхшаб Қарши шаҳри яқинида Занжирсарой деган қаср курдирди ва мамлакатни шу эрдан туриб бошқара бошлади. Айнан шу даврда 4 йирик қабиланинг таъсири кучая бошлади. Улардан барлос қабиласи Қашқадарё вилоятида, орлот қабилалари Балх атрофида ўз таъсирларини кучайтириб бормокда эди. Қозонхон даврида амир ул-умаро Амир Қазағаннинг обруйи тобора ошиб бора бошлади. Натижада хон ва амир ўртасида келиб чиққан низо охир-оқибат Амир Қазағаннинг ғалабаси якунига этди. Ҳокимиятни тўлиқ ўз қўлига киритган амир кўғирчок хонларни тахтга олиб чиқиб, ўзи эса марказий ҳокимиятни кучайтириш йўлидан борди. Амир Қазаған даврида Ўгадай авлодидан Донишмандчахон (1346-1348), Чигатой авлодидан Баёнқулихон(1348-1358)лар тахтга ўтирган эди. Унинг даврида Мовароуннаҳр улусининг мавқеи кучайиб, Ҳирот атрофларига талончилик ҳужумлари уюштирила бошланди. Мамлакатда марказлаштириш ҳаракатларининг пайдо бўлишиёқ йирик амирларни чўчитиб юборди. Улар бу сафар кучайиб бораётган амир ул-умарога қарши хонни қайрадилар. Натижада амир ул-умаронинг душманлари ва хоннинг одамлар томонидан ов вақтида Амир Қазаған ўлдирилди. Лекин амир ул-умаролик лавозими Амир Қазағаннинг ўғли Амир Абдулла қўлига ўтказилди. У хон билан муносабатларни йўлга қўйгандан сўнг, марказий ҳокимият мустаҳкамлаш мақсадида пойтахтни Солисаройдан (Амир Қазаған шу эрдан давлатни бошқарган эди) Самарқандга кўчирди. Албатта, бу йирик амирлар манфаатига зид бўлиб, уларнинг эркин мавқеига хавф соларди. Шарафуддин Али Яздий шундай ҳикоя қилади: “Отасининг замонидаги маълум муддат Самарқандда яшаганлиги ва ул фирдавсвиш диёрнинг боғ-бўстонлари ёқиб қолганлиги сабабли, давлати байроғининг маркази ўша эрда бўлишини истади. У Самарқандга йўл олди.... Амир Қутлу ва бошқа амирлар ҳамда отасининг аркони давлати насихат ила хайрихоҳлик билдириб, ота юртни ташлаб кетиш ақлга тўғри келмаслигини қанчалик уқтирмасинлар, фойда бермади”. Натижада кўп ўтмай Амир Абдуллоҳ Баёнқулихонни тахтдан кетказиб ўрнига Темуршоҳ ўғлонни хон қилиб кўтарганлиги баҳонасида

Мовароуннахрнинг йирик амирлари қаҳрига учради ва амир Баён Сулдуз ҳамда амир Ҳожи Барлос томонидан тор-мор этилиб, ҳокимиятдан четлаштирилди. Шундан сўнг мамлакат ўндан ортиқ бекликка бўлиниб кетди.

1360 йили Туғлуқ Темурхон катта қўшин билан Мовароуннахрга юриш бошлади. У ўз амирларидан Улуғ Темур, Ҳожибек ва Беккичикларни илғор сифатида юборди. Бу уч амир Сирдарёдан ўтиши билан Хўжанд ҳокими Боязид Жалойир жангсиз таслим бўлди. Кеш ҳокими Ҳожи Барлос эса дастлаб қўшин йиғиб, жангга кирмоқчи эди, лекин душмanning улкан лашкарига бас келиш қийинлигини англаган ҳолда Хуросонга чекинишга қарор қилди.

Бу вақтда Мовароуннахр ҳокимлари Тўғлуқ- Темурхонга қарши бирлаша олмадилар ва ҳар томонга қоча бошладилар. Ҳожи Барлос ҳам душман этиб келмасдан олдиноқ Хуросонга жўнашни маъқул топади. Лекин Амир Темур Ҳожи Барлосдан фарқли ўлароқ, юртни ўз ҳолига ташлаб кетишга кўнмайди. Соҳибқироннинг мақсадлари Амир Ҳожи Барлосга айтган куйидаги сўзларида ҳам намоён бўлади: “Агар мамлакат ҳокимсиз қолур бўлса, унинг авзойига сўзсиз кўп заҳмат этгай, эл ва улус эрса, ғанимлар қаҳри ва босқинчилиги зиёидан бутунлай хонавайрон бўлгай.... Мен Кеш тарафга қайтсам, улусга таскин бериб, ул эрдан хон хизматига ўтсам, амирлар ва аркони давлат билан кўришсам токи вилоят хароб бўлмасин”². Шундай қилиб, даҳшатли ёв қаршисида озгина аскар билан бир ўзи қолган, эндигина 25 ёшга кирган Амир Темур мўғул амирлари билан музокара олиб боради, уларни юртни талаш фикридан қайтаради, бунинг эвазига эса Тўғлуқ Темурхон хизматига киришга мажбур бўлади. Натижада хон Кеш вилоятини бошқаришни Амир Темурга топширади. Амир Темурнинг бу хатти -ҳаракати вилоятни талон-тарождан сақлашни ва уни барлос қабиласининг қўлида сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли бўлиб, Темур дипломатиясининг ютуғи

² Шарофиддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 65-66.

эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кейинчалик бу воқеани пухта ўйланган режа, юз минг кишилиқ қўшиндан кучли деб баҳолаган эди.

Ҳиндикуш тоғларигача бўлган ҳудудларни забт этган Туғлиқ Темурхон 1361 йилнинг баҳори ва ёзини шу эрларда ўтказди. Мовароуннаҳрдаги асосий рақибларни йўқотган хон бу эрни ўғли Илёсхўжага топшириб, Беккичикни улусбеги лавозимига тайин этиб ўзи Мўғулистонга қайтади. Амалда ҳокимиятни бошқарган Беккичик барчага зулм ўтказа бошлайди. Натижада Мовароуннаҳрда мўғуллар зулмидан нарозилик янада кучая бошлайди. Вазиятни таҳлил этган Амир Темур Кеш вилояти ҳокимлигидан воз кечиб озодлик учун кураш йўлини танлайди. Бу вақтда Мовароуннаҳр аҳолисининг катта қисми босқинчилар зулмидан қочиб Амударёнинг жанубидаги эрларга тўпланаётган эди. Иттифоқчи амирлар уларни бирлаштириб озодлик учун курашувчи янги лашкар тузишга эришадилар. Балх шаҳри яқинида бўлиб ўтган дастлабки жангда мўғул амирларидан Абу Саъид, Мангли Буға ва Ҳайдарлар бошчилигидаги душман қўшини тор-мор келтирилди. Лекин бу вақтда иттифоқчи амирлар қўлида фақат 1 минг та аскар бор эди, ҳалос. Шунинг учун улар Мовароуннаҳрга ўтмай Бадахшон вилоятига бориб, қўшин тўплай бошладилар. Чунки, у эрда Мовароуннаҳрдан қочиб келган анчагина халқ йиғилиб қолган эди. Тез орада озодлик курашчиларининг сони 6 минг кишига этади. Бу вақтда Илёсхожа 20 минг кишилиқ қўшин жўнатиб, иттифоқчи амирларни яксон қилишга аҳд қилади. Амир Темур озодлик лашкаридан 2 мингини олиб Амударё бўйидаги Тош кўприк мавзейида 20 минг кишилиқ мўғул қўшинини ажойиб ҳарбий ҳийла ишлатиб тор-мор келтиради.

Қўшимча ўрганинг: Амир Темур Тошкўприкда қандай ҳарбий ҳийла ишлатган?

Душманни тинимсиз таъқиб этган Соҳибқирон қўшинлари яна бир ҳийла билан Кеш шаҳрини ҳам босқинчилардан озод қиладилар. Бу воқеалар 1364 йили бўлаётган эди. Шундан сўнг Илёсхўжанинг ўзи катта лашкар билан Кеш яқинидаги Тошариқ мавзейига этиб келади. Дастлабки

ғалабалардан рухланган жуда кўпчилик Амир Темур ва Хусайн лашкарига келиб кўшилади ва Тошариқ жангида мўғул кўшини тўлиқ яқсон этилади. Илёсхожахон эса Мўғулистонга қайтиб кетишга мажбур бўлади. Бу вақтда Туғлуқ Темурхон вафот этган бўлиб, Илёсхожахон Мўғулистон хонига айланади. Амир Хусайн ва Темур курултой чақиритиб, Чигатой авлодидан Қобулшоҳ ўғлонни хон этиб тайинладилар. Шундай қилиб, Мовароуннаҳр амалда мўғул босқинчиларидан озод бўлиб, Амир Хусайн ва Темур ҳукмронлиги остига ўтади. Лекин йирик амирлар ўртасида бирлик ва ўзаро ишонч йўқ эди.

Мўғулистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олишга эришган Илёсхўжахон 1365 йилнинг баҳорида яна Мовароуннаҳрни ўз мулкига кўшиб олиш учун катта кўшин билан юриш бошлади.

Амир Хусайн ва Амир Темур бошчилигидаги катта кўшин душманни Мовароуннаҳрнинг шарқий чегараларидаёқ кутиб олишга қарор қилишиб, Тошкент томон йўлга чиқадилар. Ҳар икки томон лашкари Тошкент вилояти ҳудудида тўқнашади. “Лой жанги” номи билан машҳур бўлган бу жанг 1365 йилнинг 22 май куни (Шомийда июн) Тошкент ва Чиноснинг ўртасида дарё яқинида бўлиб ўтган. Жанг бошланиши арафасида қаттиқ ёмғир ёғиб ҳаммаёқ лой бўлиб кетганлиги, жанг лой майдонда олиб борилганлиги учун “Лой жанги” деб ном олган. Мовароуннаҳр кўшини бу жангда ўн минг кишидан айрилди ва тарқоқ ҳолда қочишга мажбур бўлди.

Мулоҳаза юритинг: Амирлар кўшинини жангнинг иккинчи кунинда тўла маглубиятга учрашига яна қандай омиллар таъсир қилган деб ўйлайсиз?

Шундай қилиб, Самарқанд шаҳри ҳокимсиз ва ҳимоясиз қолди. Айнан шу вақтда Самарқандда сарбадорлар ҳаракати номи билан шуҳрат қазонган халқ ҳаракати бўлиб ўтди.

Борган сари Амир Темур тарафдорларининг сафи кенгайиб борди. Натижада 1370 йилнинг баҳори бошланиши билан Амир Темур Балхга юриш бошлади. Амир Хусайн кўшини бирин кетин Амир Темур томонига ўта

бошлади. Амир Хусайн Ҳиндувон қалъасига яширингач, бир неча кунлик жанглардан сўнг қалъа забт этилди. Асир олинган Амир Хусайн гарчи авф этилган бўлса-да, унинг хундор душмани Амир Кайхусрав томонидан қатл этилди. 1370 йилнинг 9 апрел куни бўлиб ўтган Мовароуннаҳр амирларининг курилтойида Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинди. Тахтга эса Чиғатой авлодидан Суюрғатмишхон ўтказилди.

1375 йили Амир Темур учинчи бор Мўғулистон юришини бошлади. Бу юриш аслида Амир Темур қўшинларининг биринчи бор Мўғулистон худудларига кириб бориши эди. Соҳибқирон қўшинлари Тошкент воҳаси ва Жанубий Қазоғистон орвали эттисувга ва ундан Шарқий Туркистон эрларига кириб борди. Қатор жангларда Мўғулистонда ҳокимятни қўлга олган дуғлат қабиласидан бўлган саркарда Қамариддин қўшинлари тор-мор этилди. Амир Темур шу юришдан қайтишда биринчи бор Фарғона водийсига қадам босди.

Амир Темур Тўхтамишга қарши юриш бошлашдан аввал Мўғулистон масаласини ҳал қилишни зарур деб топди. 1389 йили Амир Темурнинг Мўғулистон худудига янги катта юриши бошланди. Бу юриш олтинчи юриш бўлиб унда Соҳибқирон қўшинлари деярли бутун Мўғулистонни кезиб чиқдилар. Айнан шу юриш натижасида Мўғул саркардаларидан Анка тўра ва Қамариддинларнинг қудрати тўлиқ синдирилди.

Амир Темур 1390 йили эттинчи марта Мўғулистон томон катта қўшин жўнатди. Бу гал ҳам мўғул қўшинлари тор-мор келтирилди. Лекин Қамариддин ва Анка Тўрани асир олишнинг иложи топилмади. Шунга қарамай ушбу юришлардан сўнг улар бутунлай сиёсий ва ҳарбий фаолиятда кўзга кўринмадилар. Тарихий манбаларда улар ҳақида маълумотлар берилмаган.

Амир Темур фармонида кўра 1379 йили Тўхтамишхон Дашти Қипчок томон юриш бошлайди ва ғалаба қазониб Оқ Ўрда тахтини эгаллади. 1380 йили Олтин Ўрда ҳукмдори Мамайнинг Куликово жангидаги мағлубиятидан фойдаланган Тўхтамиш Жўжи улусининг Ғарбий қисмини ҳам бўйсундиришга эришди.

Мўлоҳаза юритинг: Амир Темур Тўхтамишхонни Оқ Ўрда тахтига
чиқариш орқали қандай мақсадларга эришишни кўзда тутган деб
ўйлайсиз?

Лекин Тўхтамишхоннинг 1380 йили Олтин Ўрда тахтини ҳам қўлга киритиб, Жўжи улусини тўлиқ қайта тиклаши Амир Темурнинг режаларида йўқ эди. Натижада яқин келажакда икки иттифоқчининг ўзаро рақибга айланиш хавфи кучая бошлади. Бу ҳар икки буюк давлатнинг геостратегик мақсадлари билан боғлиқ эди.

Амир Темурнинг Тўхтамиш учтига юриши 1391 йилнинг 19 январ куни бошланади. 18 июн куни Амир Темур лашкари Қундузча мавзеида Тўхтамишхоннинг асосий кучларини жанг қилишга мажбур қилади. Ушбу жангда Амир Темур биринчи марта лашкарни этти корпусга (кул, ғул) бўлиб жангга киритиш усулини қўллайди ва рақибни тор-мор келтиради. Ушбу жанг тарихий манбаларда бирмунча кенгроқ баён этилган. Шарофуддин Али Яздийнинг маълумотида кўра Амир Темур қўшинига нисбатан Тўхтамишхон лашкари сон жиҳатдан бир мунча устунликка эга эди. Душман ўз юртида, Мовароуннаҳр лашкари эса нотаниш иқлим шароитида 6 ойлик сафар машақатларини бошдан кечирган ҳолатда жангга этиб келган эди. Жанг давомида Тўхтамишхон қўшини жанг майдонининг барча қисмида мағлубиятга учраб чекина бошлайди. Тўхтамишхон вазиятни ўнглаш мақсадида ўзининг шахсий гвардияси билан Умаршайх мирзо бошчилигида лашкарга қарши ҳужум уюштиради. Бу эрда ҳам мағлубиятга учрагач, Шайх Темур бошчилигида сулдуз қабиласидан тузилган лашкарга ҳужум қилди ва унинг сафларини ёриб ўтиб Соибқирон лашкарининг ортига ўтиб олди. Бу вақтда Амир Темур чекинаётган Дашти Қипчоқ лашкарини таъқиб этиб бораётган эди. Тўхтамишхоннинг Мовароуннаҳр лашкарининг ортига ўтиб олганлиги ҳақидаги хабар этиб келганда дастлаб Амир Темур бу хабарга ишонқирамайди, лекин Умаршайх мирзодан ҳам шундай хабар келгачгина Соҳибқирон ортга қайтиб шахсан ўзи Тўхтамишхон қўшинига қарши жангга киради. Тўхтамишхон эса Амир Темур этиб келиши билан қочиб кетишга

мажбур бўлади. Бу эса жанг тақдирини узиб кесиб ҳал қилди. Мовароуннаҳр лашкарининг ушбу юриши 11 ой давом этиб 1391 йилнинг охирида қўшиннинг Тошкент шаҳрига этиб келиши билан якунига этади.

Туркия ва Миср султонлари билан иттифок тузган Тўхтамишхон томонидан юборилган лашкар 1394 йилнинг охирларида яна Ширвон мамлакатига, яъни Шимолий Озарбайжонга бостириб киради. 1395 йилнинг 28 феврал куни Озарбайжон орқали Дашти Қипчоқ сари янги юриш бошлайди. Шарофуддин Али Яздийнинг талқинида ушбу жанг 1395 йилнинг 15 апрелида бўлиб ўтганлиги таъкидланади.

Жанг Кунча ўғлон, Бек Яруқ ўғлон ва Довуд Сўфий номли Дашти Қипчоқ лашкаридаги энг обрўли саркардаларини Соҳибқирон қўшунининг чап қанотига берган кучли ҳужумлари билан бошланди. Бу эрга Амир Темурнинг шахсан ўзи заҳира қўллари билан этиб келиб, душманни чекинтирди. Мўғуллар эса ўз одатларига кўра ченаётди, қутилмаганда яна қайтадан ҳужумга ўтдилар ва рақибни таъқиб этишга киришиб, асосий кучлардан ажралиб қолган Мовароуннаҳр лашкарини мазкур қисмини қириб ташладилар. Натижада уларда Амир Темур турган жойга ҳужум қилиш учун жуда қулай шароит туғулади. Душманнинг олдинги қисмлари деярли Соҳибқироннинг олдиғача этиб келишга эришадилар. Айнан шу вақтда Амир Шайх Нуриддин отлиқларни пиёда жангга киритиб душман ҳужумини қамон ўқлари ёмғири билан қайтаришга эришади. Шунингдек, аробалардан ташкил этилган кўчиб юривчи мудофаа чизиги ҳам ҳимояланишда жуда қўл келади. Амир Ҳожи Сайфуддинбек ҳам марказда душман ҳужумини отлиқларни пиёда жангга киритиб, қамон ўқлари ёрдамида қайтаришга эришади. Мудофаа жанглари орқали душманга катта талофат этказа олган мовароуннаҳр қўшини шундан кейин жанггоҳнинг барча қисмларида барабарига ҳужумга ўтиб рақибни тўла тор-мор келтиришга эришади. Ушбу жангдаги қаҳрамонлиги ва топқирлиги учун амир Шайх Нуриддин алоҳида тақдирланади. Душманни таъқиб этган Амир Темур қўшини Волга бўйи ҳудудлари, жанубий Россия, Шимолий Кавказ, Қрим ҳудудларини забт этиб,

1396 йилнинг баҳорида Озарбайжонга қайтиб келди.

1381 йилдан бошлаб кўпчилик тарихчиларнинг эътироф этишича Амир Темур фаолиятининг иккинчи даври бошланади. Бу даврда Соҳибқирон асосан ўз давлати ҳудудларини кенгайтиришга, Буюк Ипак йўли тармоқлари устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу вақтга келиб Мовароуннаҳрнинг ғарбий, шимолий ва шарқий ҳудудларида хавфсизликни таъминлашга эришган Соҳибқирон учун Хуросон эрларини ўз давлати таркибига қўшиб олиш учун қулай вазият пайдо бўлган эди.

1380 йили Амир Темур ўғли Мироншоҳ мирзони Хуросон ҳукмдори деб эълон қилди ва уни 25 минг кишилик қўшин билан Балхга жўнатди. 1381 йилнинг феврал ойида Амир Темур фармонига биноан йиғилган катта лашкар Хуросон томон йўлга чиқди. Амир Темур қўшинлари дастлаб Малик Гиёсиддиннинг укаси бошқараётган Сарахс қалъасини жангсиз буйсундирдилар. Шунингдек, Соҳибқирон қўшинлари Малик Гиёсидин қўшинларини бирлашишига йўл қўймаслик мақсадида тезлик билан Кусуй ва Жом вилоятлари томон ҳаракат қилди. Натижада Кусуй ҳукмдори Паҳловон Маҳдий ҳам иложсиз қолиб, жангсиз таслим бўлишни маъқул кўрди. Шундан сўнг Соҳибқирон бошчилигидаги ҳарбий кучлар Хуросоннинг йирик қалъаларидан бири Фушанж қалъасини қамал қилдилар. Қалъани эгаллаш учун 3 кун тайёргарлик кўрилди ва тўртинчи куни ҳужум бидан қалъа забт этилди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам бу жангда жиба(совут)сиз қатнашиб, ўз аскарларини мардонавор жанг қилишга чорлаб турди, икки бора қалқони уни камон ўқларидан сақлаб қолди. Шундан сўнг барча қўшинлар Ҳирот томон юриб, янги бунёд этилган ҳисорни қамал қилди. Дастлабки жанглардан сўнг Амир Темур тинч аҳоли агарда жангда қатнашмаса уларга зарар этказилмаслиги ҳақидаги хабарни Ҳиротда тарқатишга эришгач, қаршилик кескин пасайиб кетди ва Малик Гиёсиддин таслим бўлишга мажбур бўлди. Шундай қилиб Яздийнинг таъкидлашиса 1381 йилнинг апрел ойида Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳри эгалланди.

1383 йили Амир Темур яна Мазондарон томон юриш бошлади. Бу

вақтда Сабзавор ҳокими этиб тайинланган Шайх Довуд Сабзаворий ҳам исён бошлади. Лекин тез орада бу исён ҳам бостирилди. Исён бостирилгач Амир Темур Ҳирот ва Сабзавор аҳолисини исёнда иштирок этганлиги учун жазолашга қарор қилди. Жазо тариқасида ҳар икки шаҳар аҳолисидан моли омон пули йиғиб олинди. Шунингдек, Сабзавор қалъаси ҳам бузиб ташланди ва шаҳар аҳолисидан икки минг киши ўлдирилди.

Соҳибқирон эса Мозондороннинг ичкарасига кириб бормай Сейистон томон юришни давом эттирди. Сейистондаги жангларда Амир Темурнинг ўзи ҳам бир неча бор жангга кириб, мардлик намунасини кўрсатди. Ниҳоят 1383 йилнинг 22-25 декабр кунлари Сейистон ҳам фатҳ этилди ва Шох Қутбиддин яқинлари билан Самарқандга кўчирилди.

Шундан сўнг Амир Темур қўшинлари Сейистондан Қандаҳор томон юрдилар ва йўллардаги бир неча қалъаларни эгаллаб, авғон қабилаларини бўйсундириб, Қандаҳор вилоятини ҳам темурийлар давлати таркибига киритиб Самарқандга қайтдилар. 1381-1383 йиллар давомида Хуросон, Сейистон ва Қандаҳор вилоятлари забт этилди.

1384 йилнинг баҳоридан Мазондаронни бўйсундириш учун ҳал қилувчи юриш бошланди. Бу юриш бошланишидан аввал Амир Темурнинг набираси Пир Муҳаммад Жаҳонгир Форс шоҳи Жалолиддин Шужўнинг қизига уйланиб икки сулола ўртасида иттифоқ мустаҳкамланди. Натижада бўйсунмас Мазондарон ҳукмдори Амир Валибек икки сулола ўртасида яккаланиб қолди. Натижада тез орада Мазондарон вилояти ҳам Амир Темур давлати таркибига киритилди.

Тўхтамишхоннинг Кавкзорти ва эронга бостириб кириш йўлларини тўлиқ кесиб қўйишга эришган Соҳибқирон ўзининг асосий кучларини Форс вилоятини бўйсундириш учун ташлаш имкониятига эга бўлди. 1387 йили Амир Темур Шох Шужонинг ўғли Зайналобиддин ҳукмронлик қилаётган Исфаҳонга қўшин тортиб борди. Шаҳар жангсиз таслим бўлгач шаҳарга “Тақа баҳоси” деб аталган моли омон солиғини олишга фармон берилди. Соҳибқирон қўшинлар 1387 йилнинг 13 декабр куни Шерозга кириб

келдилар. Шаҳар аҳолиси жангсиз таслим бўлиб, шаҳарга минг туман (10 млн) кўппаки миқдорида моли омон солиғи солинди.

Амир Форс вилоятини Музаффарийлар сулоласи қўлида сақлаб қолишни лозим топди. Натижада Шоҳ Яхё Шероз, Султон Муҳаммадни Исфаҳон, Султон Аҳмадни Кермон вилоятини ҳокими этиб тайинлади. 1388 йилнинг 9 феврал куни Форс вилоятини тарк этиб, Самарқанд томон йўлга чиқди. Шу билан Амир Темурнинг 1585-1387 йилларни ўз ичига олган 3 йиллик юриши якунига этди. Бу юриш натижасида Шимолий ва Марказий эрон, Озарбайжонда Амир Темур ҳокимияти ўрнатилди. Шунингдек, Ширвон, Арманистон, Грузия мамлакатлари ҳам Амир Темур ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Лекин бу мамлакатларнинг аксарияти Соҳибқирон қўшинлари Хоразм, Олтин Ўрда ва Мўғилистон ҳукмдорларининг иттифоқига қарши кураш олиб борган йилларда (1388-1391) ўз мустақилликларини тиклаб олдилар.

Натижада Амир Темур 1392 йилнинг 7 июнида 5 йиллик юришни бошлашга фармон берди. Шу йилнинг 22 июлида эса эрон томон янги юриш бошланди. Амир Темур дастлаб Каспий денгизининг жанубидаги ҳудудларни қайтадан бўйсундиришга мажбур бўлди.

1392 йилнинг ноябр ва декабр ойларида Амир Темур Журжон вилоятида Шасмон мавзейида янги сарой қурдиради. 1393 йилнинг 9 январиди Амир Темур юришни давом эттиришга фармон берди. Соҳибқирон қўшинларининг бир қисми эрон Озарбайжони ва Шимолий Ироқ ҳудудларини қайта забт этиб, Амир Темур ҳокимиятини мустаҳкамладилар. Амир Темурнинг ўзи эса 1393 йилнинг март ойида Шероз томон юриш бошлади. Бу вақтда Бу эрда ҳокимиятни Шоҳ Мансур қўлга киритиб олган бўлиб, у музаффарийлар сулоласининг энг мард ва энгилмас вакили эди. Шоҳ Мансур Шероз, Исфаҳон ва Абарқўҳни, Шоҳ Яхё Яздни, Кермонни Султон Аҳмад ва Сиржонни Султон Абу Ишоқ бошқараётган эди. Шероз яқинида бўлиб ўтган жангда Шоҳ Мансур қўшининг тор-мор этилиши ва унинг ўзини ҳалок бўлиши, аслида музаффарийлар сулоласи тақдирини ҳам ҳал қилди.

Музаффарийлар ўртасида тахт учун курашлар Форс вилоятини харобазорга айлантираётганлиги учун ҳам аҳолининг илтимосига кўра бу сулоланинг ҳукмронлигига барҳам берилди. Барча музаффарийлар ўз мулкларидан маҳрум бўлдилар.

1393 йилнинг 21 август куни Амир Темур қўшинлари Боғдод султонлигини забт этиш учун ҳарбий юришни бошладилар. Соҳибқирон қўшинларининг яқинлашиб келаётганлигини эшитган Султон Аҳмад ўз мамлакатини ташлаб Дамашқ томонга қочиб кетишга қарор қилди.

1394 йил давомида Соҳибқирон қўшинлари Гуржистон, Диёрбакр, Ғарбий Озарбайжондан то турк султонлиги эрларигача бўлган эрлардаги баъзи бўйсундирилмаган қалъаларни забт этдилар. Авник, Аланжик, Ойдин каби қалъалари шулар жумласидандир. Бу даврда Амир Темурнинг ашаддий рақибига айланган Қора куюнли туркманлар сардори Қора Юсуф тор-мор келтирилди ва у ҳам Дамашқ томонга қочиб кетди. Туркия чегарасидаги Арзинжон вилояти ҳукмдори Тахуртан эса Амир Темур ҳукмронлигини тан олиб, унинг вассалига айланишни маъқул кўради.

Шундай қилиб беш йилик юриш давомида Шимолий эрон тўлиқ забт этилади ва у эрдаги маҳаллий Саййидлар сулоласи ҳукмронлиги барҳам топади. Шунингдек, яна бир йирик ҳукмдорлар сулоласи бўлмиш Музаффарийлар сулоласи ҳам тугатилиб, Форс ўлкаси Умаршайх мирзо, сўнгра унинг ўғли Пир Муҳаммад мирзо бошқарувига ўтказилди. Ширвон, Озарбайжон, Курдистон, Арманистон, Гуржистон ҳудудларида Соҳибқирон ҳукмдорлиги мустаҳкамланиб, Ироқ мамлакати бўйсундирилди. Юқорида таъкидланган ҳудудлар эса Мироншоҳ мирзо бошқарувига топширилди.

Амир Темур Ҳиндистон юришини 1398 йилнинг март ойида бошлайди. Баъзи муаллифларнинг асарларида Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришига унинг бош стратегик мақсади Буюк Ипак йўли устидан ҳукмронлик ўрнатиш ва унинг тўла хавфсизлигини таъминлаш, Шарқу Ғарбни ўзаро иқтисодий алоқаларини ривожлантириш учун шароит яратишга алоқаси бўлмаган, фақат босқинчилик ва ўлжани қўлгакиритишга қаратилган ҳарбий юриш сифатида

баҳо берилади. Ушбу фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Ҳиндистон юришдан кўзланган асосий мақсадлардан бири аслида Ҳиндистонга олиб борувчи карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, бу йўлдаги афғон қабилаларининг доимий бебошлиги савдо ривожига катта тўсиқ эди. Ушбу юриш давомида Соҳибқироннинг асосан афғон қабилаларига қарши курашлар билан банд бўлганлиги, бу эрдаги бузиб ташланган қалъалар ва бошқа мудофаа иншоотларини тиклашга катта эътибор қаратганлиги ҳам фикримизни қувваатлайди. Асрлар мобайнида вайронага айланган Афғонистондаги эрёб қалъаси⁴ ҳам, Қорабўғдаги Байлокон шаҳри⁵ ҳам қайтадан бунёд этилади. Албатта, бу шаҳарлар фақат маъмурчилик, ободончилик мақсадида бунёд этилган эмас. Бу қабил шаҳар, қалъаларни бунёд этиш ва қайта тиклашда аввало, иқтисодий ва ҳарбий мақсадлар кўзланганлиги шубҳасиздир. Буни юқорида таъкидланган шаҳарларнинг иқтисодий ва ҳарбий-стратегик жиҳатдан муҳим жойларда жойлашганлиги ҳам тасдиқлайди. Мисол учун эрёб қалъаси Ҳиндистонга борадиган савдо йўли хавфсизлигини таъминлашда ва шу атрофдаги вилоятларни, аҳолини тобеъликда сақлашда муҳим ўрин тутган. Афғон қабилалари бўйсундирилгачгина, Амир Темур қўшинлари Ҳиндистон ҳудудига кириб борди ва Деҳли яқинида 1398 йил 17 декабр куни бўлиб ўтган жангда Деҳли Султони Маҳмудхон Деҳлавийнинг 10 минг отлиқ, 40 минг пиёда ва 120 жанговар филлардан иборат қўшини тор-мор келтирилди. 1399 йилнинг баҳорида Ҳиндистон юришидан қайтди. Ушбу юриш натижасида Ҳиндистонга борадиган савдо йўлларининг хавфсизлиги тўла таъминланди, ушбу йўл хавфсизлигини таъминловчи шаҳар ва қалъалар қайта тикланди ва Деҳли султонлиги ҳудудлари Амир Темур давлати таркибига қўшиб олинди.

Дастлабки зарба Гуржистонга қаратилади ва 1399 йилнинг охири ва 1400 йили Гуржистоннинг Зарит, Сванет қабил йирик қалъалари ҳаам

⁴ Гийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию -М.:ИВЛ, 1958. С. 72-73.

⁵ Шарафуддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 278.

бўйсундирилади. Гуржистон ҳукмдори Гурген Амир Темурнинг ноибига айланади.

Шундан сўнг Мовароуннаҳр лашкари Сивос ҳудудларига кириб бориб, гўёки Туркия ҳудудлари томон ҳаракатланаётгандек таассурот қолдирсада, тўсатдан жанубга бурилиб, Миср Султонлиги таркибида бўлган Сурияга юриш бошлади.

Амир Темур қўшинлари Сурияда дастлаб Биҳишти қалъасини қамал қилдилар. Қалъа шиддатли жанглардан сўнг 1400 йилнинг 27 сентябр куни забт этилди. Бир неча кун ўтгач иккинчи бир қалъа Айнтоб жангсиз таслим бўлди (Шомийда бу қалъалар Беҳасти ва Антоб деб номланган). Бу вақтда Мисрга тегишли бўлган Дамашқ, Хўмс, Ҳама, Антакия, Тарабулус, Набулус, Баъалбак, Канъон, Ғазза, Рамла, Қуддус каби шаҳар ва вилоятларидан йиғилган қўшин Халаб шаҳрига тўпланади. Уларга Халаб ҳоким Темуртош ва Дамашқ ҳокими Шадун (Шомийда Судун)лар раҳбарлик қилишарди. Тарихий манбаларда Халаб ҳокими Темуртош сулҳ тузиш тарафдори бўлганлиги, лекин Дамашқ ҳокими Шадун бошчилигидаги кўплаб амирлар Соҳибқирон қўшини билан очик майдонда жанг қилиб ғолиб чиқишларига ишонганликлари таъкидланади. Амир Темур қўшинларининг Айнтобдан Халабга деярли бир ойда жуда секин ҳаракатланиб этиб келганлиги ҳам Миср-Сурия қўшинларининг дадиллигини ошириб юборади. Улар Амир Темур қўшинлар билан Халаб қалъасининг ташқарисида жанг қилишга қарор қиладилар. Аслида Амир Темур гўёки ўзини чўчаётгандек кўрсатиб ўз рақибларини Халабнинг мустаҳкам тошлардан қурилган қалъа деворларининг ортидан очик майдонга олиб чиқишга эришади. 1400 йилнинг 28 октябри куни Халаб яқинига этиб келган Амир Темур қўшинлари дастлабки икки кун кичик разведка жанглари олиб бориш билан чекландилар. Дастлабки куни Соҳибқирон набираларидан Султон Ҳусайн мирзо, эртасига эса Або Бакр мирзолар қаҳрамонлик кўрсатадилар. 30 октябр куни эса асосий жанг бошланиб душман қўшини тўла тор-мор келтирилди. Рақибнинг асосий кучлари Халабга ҳам кирмай Дамашқ томон қочишга

қарор қилишди. Улар шу даражада тартибсиз чекинишга мажбур бўлишдики, Ҳалаб қалъаси дарвозаларини ҳам беркитиб улгуришмади. Натижада шу куни ниҳоятда мустаҳкам қалъага эга бўлган Ҳалаб шаҳри ҳам осонлик билан забт этилди. Шадун ва Темуртош яшириниб олган Ҳалабнинг тарихий манбаларда тоғдек баланд деб тасвирланган ички қалъаси ҳам бир неча кундан сўнг жангсиз таслим бўлди.

Ҳалабдан сўнг Соҳибқирон лашкари бирин кетин Ҳама, Хўмс ва Баъалбак вилоятларини ва ушбу вилоятлардаги ўнлаб қалъаларни забт этдилар. Ҳалаб забт этилганидан деярли икки ой ўтгачгина (22.12. 1400) Амир Темур қўшини Дамашқ томон юриш бошлайди. Бу вақтда ўз қўшини билан Дамашққа этиб келган Султон Фараж икки нафар фидоийларини Амир Темурга суиқасд уюштириш учун дарвеш кийимида Амир Темур саройига жўнатади. Улар дарвеш сифатида бир неча бра Амир Темур қабулида бўладилар, лекин ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Кейинчалик уларнинг ҳаракати Амир Темур девонбегиси Хожа Масъуд Семнонийдан шубҳа уйғотгач, уларни заҳарли ханжар билан яширинча қуроланганлиги фош этилиб, суиқасднинг олди олинади.

Амир Темур қўшини Дамашқ шаҳрига яқинлашгач, ундан узоқ бўлмаган Қаракба даштига жойлашади. Амир Темур урушни олдини олиш мақсадида бу сафар Бўрон подшоҳ деган кишини (Шомийда элчининг номи келтирилмаган) Миср Султони Фараж ҳузурига элчи қилиб жўнатади ва Фараждан Аталмишни озод қилиб, урушни олдини олишни таклиф қилади. Фараж бу сафар ҳам сулҳ тузмай, айёрлик қилишга қарор қилади. Миср Султони Амир Темур элчисини бу гал жуда катта ҳурмат билан кутиб олади ва беш кун ичида аталмишни Амир Темур саройига этказишга ваъда бериб сулҳ тузишга розилик билдираркан, ўз элчисини ҳам ҳамроҳ қилиб, Соҳибқирон саройига жўнатади. Гарчи сулҳ тузилганига 10 кун ўтса ҳам Фараж ўз вадасини бажармайди. Аксинча, вақтдан ютиб ўз асакарлари сафини тинмай кенгайтиришга уринади. Бундай шароитда катта лашкар беркинган Дамашқ қалъасини штурм билан эгаллаш жуда катта вақт ва

курбон талаб қиларди. 1401 йилнинг 5 январ куни Амир Темур 10 кун давомида шу эрда турилгани учун Қабарқа даштида отларга этарли озуқа қолмаганлигини баҳона қилиб, бу эрдан узоқ бўлмаган Ғута даштига кўчишга қарор қилди. Бу кўчиш ташқаридан қараганда бетартиб чекиниш каби амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида Дамашқда турган кўп сонли Миср лашкарини чалғитди. Улар шаҳар ташқарисига чиқиб Мовароуннаҳр лашкари томон ҳужум бошладилар ва сулҳ шартларини буздилар. Аслида Амир Темур ҳийла билан душман лашкарини қалъа деворлари ортидан очик майдонга олиб чиқишга шу тариқа эришган эди. Қисқа давом этган жангда душман қўшини тор-мор келтирилди. Миср султони Фараж эса Дамашқни ўз ҳолига ташлаб қочиб кетди. Дамашқ фатҳ этилгач, бу эрда 1401 йилнинг 20 март кунига қадар тўхтаб турди. Шундан кейин Амир Темур Миср томон юришни давом эттирмасдан ортга қайтишга қарор қолди. Чунки, Миср султонлигининг асосий ҳарбий кучлари Ҳалаб ва Дамашқ остоналаридаги жангларда тор-мор келтирилиб унинг ҳарбий қудрати батомом синдирилди. У ортиқ Амир Темур давлати хавф сола олмас ва Амир Темур давлати таркибига қўшиб олинган ҳудудларнинг собиқ ҳокимларини қўллаб қувватлашга ҳам жазм этолмас эди. Шунингдек, Амир Темур Миср юриши билан банд бўлган вақтда Амир Темур ҳокимиятини тан олган Арзинжон вилояти Султон Боязид томонидан юборилган қўшин томонидан забт этилган ва унинг ҳокими Тахуртан ўз ўрнида қолдирилган бўлса-да, унинг фарзандлари гаров сифатида Усмонли турклар султонлигининг ўша вақтдаги пойтахти Бурса шаҳрига олиб кетилган эди. Гарчи Султон Боязид европа масалалари билан банд бўлса-да, имкони борича ўз иттифоқчиси Миср Султонини қўллаб қувватлашга интиланлиги шундан ҳам номаён бўлади.

Амир Темур қўшини 1402 йилнинг апрел ойидан бошлаб Туркия томон Жанубий Гуржистон орқали, Тбилисининг жанубидаги Шамкур саҳроси бўйлаб секин аста силжий бошлайди. Дастлаб Туркия чегарасидаги Тартум қалъаси забт этилади. Сўнгра Соҳибқирон шу эрда икки давомида Туркия элчилари келишини кутиб туради. Лекин ҳеч қандай жавоб элчилиги

бўлмагач, юриш давом эттирилади ва Камох қалъаси забт этилади. Ушбу қалъани бошқариш Арзинжон вилояти ҳокими Тахуртан зиммасига юклатилади. Камох қалъаси забт этилгачгина Султон Боязиднинг элчилари этиб келиди. Султон Боязид бу сафар ҳам бирор бир таклифни қабул қилмаган, шунингдек, Камох қалъасини забт этилишига ҳам нарозилик билдирган эди. Яздийдан фарқли равишда Шомий Қора Юсуфнинг Туркиядан чиқиб кетганлиги тўғрисида овоза тарқалганлиги, лекин унинг нақадар ҳақиқат эканлигини аниқлаб бўлмаганлигини ҳам қайд этади. Шомий талқини бўйича Амир Темур агар Қора Юсуф Туркияни чиндан ҳам тарк этган бўлса, унинг оиласини ўз хузурига жўнатишни сўраган. Лекин бу шарт бажарилмаган.

Шундан сўнг Амир Темур ҳарбий кўрик ўтказиб, кўрикка турк султони элчиларини ҳам таклиф этади. Кўриктан кейин элчиларга рухсат бераркан Султон Боязидга янада оғир сулҳ шартлари таклиф қилинади. Бу шартларга кўра Султон Боязид Амир Темурнинг вассалига айланиши керак эди. Бу шартларни Шарофуддин Али Яздий қуйидагича баён қилади: “Йилдирим Боязидқа айтингким, чун сенинг вилоятинга ғазо ва жиҳод расм турур, бизга қаттиқ келурким, ул вилоятда биздин ташвиш бўлғай. Бовужуд улким, сен маълум йўлдин чиқибсен. Ҳануз таҳаммул қилурмен, то Тахуртаннынг кишилари йибарғайсен ва ўзлонларингдин биринибизга йибарғайсенким, биздин анча марҳамат ва шафқат кўргайким, сенким атосисен, кўрмағон бўлғай. То мамлакати Рум сенга мусалам бўлғай ва сен фароғат била тахт устида қарор тобқайсен ва андағи эл-улус фароғатда бўлғай, вассалом”. Сўнгги музокараларда Қора Юсуф ҳақида сўз бормаганлиги, унинг ҳақиқатдан ҳам Туркия ҳудудларини тарк этганлигидан бўлса керак.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, юқорида ҳам бир неча бор таъкидлаганимиздек, Тахуртан Арзинжон вилояти ҳокими эди. У усмонли туркларга қарши курашда Амир Темур мададига умид қилиб Олд Осиёда биринчилардан бўлиб унинг ҳокимиятини тан олган эди. Амир Темур Дамашқда турган вақтда усмонли турклар кўшини Арзинжонни забт этиб,

Тахуртанни фарзандларини асирликка олиб кетишган, Тахуртан эса Султон Боязид номидан Арзинжонни бошқаришга қолдирилган эди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Султон Боязид нима учун Тахуртанни ўз ўрнида қолдирди ?

Султон Боязид Арзинжонни забт этган бўлса-да, уни ўз давлати таркибига тўлиқ қўшиб олиб, у эрга ўз одамини ҳоким қилиб қўйишга журъат этмади. Чунки, бу икки давлат ўртасидаги муносабатларни жуда ҳам кескинлаштириб юбориши мумкин эди. Султон Боязид Тахуртаннинг фарзандларини гаровда ушлаб туриш орқали уни ўзига бўйсунган ҳолда ушлаб турмоқчи, ундан Амир Темур билан муносабатларда воситачи сифатидан фойдаланмоқчи эди. Шундай вазият пайдо бўлдики. Тахуртан бир вақтда Султон Боязиднинг ҳам Амир Темурнинг ҳам вассали сифатида фаолият олиб борди. Тарихий манбаларда Султон Боязид ундан ўзи билан Амир Темурни яраштириб қўйишни талаб қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Қисқаси, Арзинжон вилояти ўша вақтда икки буюк давлат ўртасидаги оралиқ ҳудудга (буфер зонага) айланиб қолган эди. Амир Темур Туркияга ўз ҳарбий юришини бошлаганда Тахуртан ўз лашкари билан Амир Темур қўшини сафига қўшилди ва бу юришда тўлиқ иштирок этди.

Туркия элчилари қайтиб кетгач, Соҳибқирон қўшинлари Ҳорук қалъасини забт этдилар. Шундан сўнг Туркияни маркази томон юриш бошланади.

Рус ҳарбий тарихчиси М.И. Иванов томонидан чуқур ўрганилган ҳарбий юришлардан бири 1402 йили Султон Боязидга қарши қилинган юришдир. Бу юришни бошлашдан аввал Амир Темур ён томонларни, яъни Кавказorti ва Сурияни бўйсундириб, Миср султонини сулҳ тузишга мажбур қила олди. Ҳатто орқа томонни тўлиқ ҳафвсизлантириш учун Бағдодни қайтадан забт этди. Султон Боязид Амир Темур билан жангни Туркиянинг жанубий қисмида бўлишини хоҳларди, чунки бу эрдаги жангда Темур энгиладиган бўлса, Сурия ва Миср қайтадан қўзғолиб, Боязидга ёрдамга келиши мумкин

эди³. Бу эса Темурга қайта куч тўплашга имкон бермас ва бутунлай ҳалокатга олиб келарди. Боязидда эса энгилган тақдирда ҳам мамлакат ичкарисига чекиниб, қайта куч тўплаш имкониятига эга бўларди. Лекин М.И. Иванин таъкидлаганидек, “Амир Темур Гуржистондан Боязид қўшинларининг орқасига қилган маҳоратли ҳаракатлари билан урушни Кичик Осиёнинг шимолий қисмига кўчиришга эришди.” Амир Темур Турк давлатининг марказига жуда катта тезлик билан ҳаракат қилди. Амир Темур лашкари 3 кун ичида 150 км масофани босиб ўтди. М.И. Иванин унинг бу ҳаракатини қуйидагича баҳолаган эди: “Шунчалик катта қўшин билан қилган бу ҳаракатни ўз ўлжасини кўриб, унга ташланган йўлбарс ҳаракати билан тенглаштира бўлади”

Анқарага этиб келган Амир Темур шаҳарни қамал қилишни буюрди. Амир Темур шу эрда душман билан жанг қилишга қарор қилди. Бу эр Темур учун жуда қулай бўлиб, энгилган тақдирда келган йўли билан чекина олар эди. Боязид учун эса Анқара мамлакат маркази бўлиб, агар у шундай ҳолатга тушса, чекиниб, қайта куч тўплашининг иложи йўқ эди.

Иваниннинг таъкидлашича, Султон Боязид бу эрга этиб келган пайтда Амир Темур қўшинлари анча дам олиб жангга ҳозирликни тугатган бўлиб, Боязид қўшини эса йўл юриб ҳориган эди. Унинг устига Боязид жангдан бир неча кун аввал куннинг иссиқ пайтида катта ов уюштиради. Шу ов пайтида иссиқдан ва сувсизликдан 5000 киши ҳалок бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жанг натижаси аслида, жангдан аввал ҳал бўлган эди. Боязид қўшинлари жанг давомида қуршаб олинди ва қириб ташланди. Боязиднинг ўзи асир олинди. Шундай қилиб, М.И. Иванин Анқара жанги тақдири Амир Темурнинг жанг олди тайёргарликлари билан ҳал бўлганлигини таъкидлайди.

Чиндан ҳам Шарофуддин Али яздий ва Низомиддин Шомийлар ҳам ўз асарларида Амир Темурнинг жанг майдонида рақибидан аввал этиб келганлиги ва жуда қулай ўринларни эгаллаб олганлигини, усмонли турклар

келиб ўрнашиши кутилган ҳудудлардаги қудуқлар қўмиб ташланганлигини баён қилганлар.

1402 йилнинг 20 июл куни Амир темур қўшинлари жанг майдонига сафланадилар. Бу сафар қўшин янада мукаммал тартибда жанг майдонида саф тортади. Ўнг ва чап қанот, шунингдек марказнинг ўзи ҳам бирт неча йирик ҳарбий қисмларга бўлинади. Мисол учун Шарофуддин Али Яздий марказнинг ҳам алоҳида ўнг ва чап қаноти ҳамда маркази бўлганлигини баён қилади. Худди шу тартиб ўнг ва чап қанотда ҳам бўлган бўлиши керак. Марказнинг ортига қирқ ҳарбий қисмдан иборат захира жойлаштирилади. Тепасига ўз даврининг тўплари, тош отувчи манжанақлари ва камон ўқчилари ўтказилган жанговар филлар эса марказнинг олд қисмидан ўрин олади.

Жангни дастлаб ўнг қанотнинг Абубакр мирзо бошчилигидаги олдинги қисми (канбул) бошлаб беради. Улар душман томон яқинлашиб рақиб сафларини камондан ёппасига ўққа тута бошладилар. Шундан сўнг ҳар бир ҳарбий қисм жангдаги майдонидаги вазиятга қараб берилган қўмондонлик буйруғи билан бирин кетин жангга киради. Энг охири марказнинг марказидан жой олган Мирзо Муҳаммад Султон бошчилигидаги кучлар жангга киради. Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур қўшини дастлаб қанотлардан зарба бериб, рақибни қуршаб олишга ҳаракат қилган. Марказда турган Мирзо Муҳаммад Султон бошчилигидаги қўшин эса жангга киргандан сўнг ортга чекинди. Натижада душманнинг шахсан Султон Боязид бошчилигидаги маркизий қисми илгари юриб бир неча тепаликларни эгаллади. Бу вақтда ўнг қанотда турган Шохруҳ мирзо, чап қанотда турган Мироншоҳ мирзо бошчилдигидаги ҳарбий кучлар ҳал қилувчи зарбаларни бериб рақиб қанотларини ёриб ўтдилар. Жанг охирига келиб, жанг учун тузилган режа тўла амалга ошди, яъни Султон Боязид ўзининг асосий кучлари билан қуршаб олинди. Душман қуршовни ёриб чиқишга уринаётган вақтда Амир Темур қўшини рақибни қуршовдан чиқиб кетиши учун йўл очиб беради. Бу эса душман қаршилигини кескин пасайтириб юборади ва улар

Ўзларини қуршовдан чиқиш йўлига урадилар. Бу эрда эса уларни Мовароуннаҳр қўшинининг камончилари кутиб олишади. Султон Боязид ҳам қуршовдан чиқиб қочишга улгурган бўлса-да, кўп ўтмай Султон Маҳмудхон томонидан асир олинади. Жанг Амир Темур қўшинларининг яққол ғалабаси билан якун топади.

Бу даврда Соҳибқирон ўзининг асосий кучларини Хитой юришига ташланишига ҳалақит бериши мумкин бўлган ғарбий ҳудудлардаги сиёсий рақиблари - Боғдод, Миср ва Туркия ҳукмдорлари билан кураш олиб бориб, уларни тўла тор-мор этади. Шундан сўнггина 1404 йил охирида Хитой юришига отланади.

Амир Темурнинг Хитойга юриши унинг бош стратегик мақсади Буюк Ипак йўли устидан ҳукмронлик ўрнатиб, унинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш, савдо қарвонларининг Хитойдан то Ўрта эр денгизининг шарқий соҳилларидаги денгиз портларига қадархавф хатарсиз бориб келишларини учун шароит яратиш эди. Амир Темур “Етти йиллик юриш” натижасида ғарбий чегараларда бу мақсадига тўлиқ эришган бўлса-да, шарқий йўналишда масала охиригача эчилмаган эди. Хитой ва Мовароуннаҳр ўртасида жойлашган Мўғулистон давлатидаги доимий сиёсий беқарорлик, марказий ҳокимятнинг заифлиги қарвонлар хавфсизлигига жиддий салбий таъсир этарди. Амир Темур Хитойгача бўлган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, ушбу масалани шу йўл билан эчмоқчи эди. Мазкур юриш бошланиши арафасида Мовароуннаҳрнинг шарқий чегараларидан то Хитойгача бўлган ҳудудларни набилалари Мирзо Улуғбек ва Мирзо Иброҳимга бўлиб берилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. “Ва Соҳибқирон, - деб ёзади Шарофуддин Али Яздий, - Тошкент ва Сайрам ва Жета вилоятини Хитой сарҳадиғача амирзода Улуғбек мирзога берди. Ва Андигон ва Ахсикат ва Тароз ва Кошғар ва Хўтанни амирзода Иброҳимга берди ва нишонлар бериб, ол тамға бостурди”. Мазкур инъом этилган ҳудудларнинг каттагина қисми Амир Темур давлати таркибига киритилмаган, лекин қарам бўлган Мўғулистон, яъни Жета давлати

худудлари бўлиб, ушбу худудлар Хитой юриши давомида забт этилиши ва Соҳибқирон набиралари ихтиёрига берилиши лозим эди. Мирзолар Тошкент, Сайрам, Фарғона водийси худудларига таянган ҳолда келажакда янги ташкил этилган икки улусни бошқаришлари мўлжалланганди.

Демак, юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, Хитой юришидаги асосий вазифалардан бири Хитой чегараларигача бўлган худудларни Амир Темур давлати таркибига киритиш бўлиб, бу Соҳибқироннинг бош стратегик мақсадининг тўла амалга ошишини билдирар эди. Шунингдек, Хитой императори ҳам ўзининг ғарбий худудлар учун даъвогарлигини яширмас ва ўзининг Амир Темурга жўнатган мактубларида Соҳибқиронни “Ўғлим” деб атаганлиги ҳам бу даъвонинг нақадар жиддийлигини кўрсатарди. Амир Темурнинг ушбу юриши Хитой империяси худудларининг Мовароуннаҳр томон яқинлашуви хавфини олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

1404 йилнинг 27 ноябр куни Амир Темур раҳбарлигидаги 200 минг кишилиқ лашкар Самарқанддан Хитой томон йўлга чиқади. Соҳибқироннинг мақсади Тошкент вилояти ва Дашти Қипчоқ, Мўғулистон билан чегарадош худудларда қишни ўтказиб, баҳордан юришни давом эттириш эди. Шунинг учун ҳам қўшин Тошкент, Сайрам, Шохруҳия, Ясси ва Саброн вилоятларида қишни ўтказа бошлади. Амир Темурнинг ўзи эса 1405 йил 14 январ куни Ўтрор шаҳрига этиб келди ва шу эрда қишлашга қарор қилди. Лекин 11 февралдан бошлаб Соҳибқироннинг соғлиғи ёмонлаша бошлади ва 18 феврал куни вафот этди.

Амир Темур вафотидан сўнг бошланган ўзаро тахт учун курашлар Хитой юришини давом эттиришга имкон бермади.

“Амир Темур давлати” мавзусидан кейслар.

Кейс №1.

Кейснинг мақсади. *Талабаларга Амир Темур давлати ташиқил топиши арафасида Кичик Осиё ва Мисрдаги сиёсий вазиятни батафсил тушунтириб, таҳлил қилиб бериш*

Кейс матни. Бу вақтда Мисрда мамлуклар султонлиги ҳукм сураб эди. Бу султонлик ҳудудлари Мисрдан ташқари Фаластин, Финикия, Синай ярим ороли ва Сурияни ўз ичига олганди. Миср давлати Сурия учун курашларда Ҳолукулар давлатини мағлуб эта олганлиги ҳам бу давлатнинг қудратидан дарак беради. Миср ҳукмдорлари Ҳолукулар давлатининг ашаддий душмани бўлган бошқа бир мўғул давлати Олтин Ўрда билан иттифоқчилик алоқаларини олиб боришга интиланлар. Чунки Ҳолукулар ёки элхонийлар давлати Сурия масаласида Миср билан Озарбайжон масаласида Олтин Ўрда билан рақобатлашади. Элхонийлар Сурияни ўз қўлларида сақлаб қола олмаган бўлсаларда, Озарбайжонни Олтин Ўрда қўлига ўтишига йўл қўймадилар.

Кейс юзасидан саволлар:

1. Мамлуклар сулоласи Жўжи улуси билан дўстлик ва элхонийлар улуси билан душманлик муносабатларининг сабаблари ҳақида қандай қўшимчалар қилишингиз мумкин ?

2. Ушбу масала бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Бунинг сабаби нимада?

3. Мазкур вазиятнинг Амир Темур давлатининг тараққиётига боғлиқ бўлган томонлари нимада?

Кейснинг эчими:

1. Жўжи улуси Кавказorti учун курашда элхонийлар билан рақиб бўлгани ҳолда, элхонийларнинг Ўрта эр денгизи бўйига чиқиш мақсадидаги уринишларидан чўчиган Миср мамлуклари давлати билан ўзаро манфаатли иттифоқ тузган эди
2. Ҳозирги кунда ҳам Ўрта эр денгизининг шарқий соҳиллари учун

йирик давлатлар ўртасида ўзаро рақобат кетмоқда. Бу ҳолат, айниқса, Сурия масаласида яққол кўринади. Уларнинг асл мақсади стратегик жihatдан муҳим бўлган ҳудуд устидан ўз назоратини шрнатишдир.

3. Кейинчалик элхонийлар давлати ҳудудларини забт этган Амир Темурнинг Кавказортини забт этиш мақсадидаги уринишлари Жўчи улуси билан, Ўрта эр денгизининг шарқий соҳилларига чиқиш мақсадидаги ҳаракатлари эса Миср мамлуклари билан ўзаро рақобатни келтириб чиқарди.

Кейс №2.

Кейснинг мақсади. *Талабаларда Туғлуқ Темур Ўрта Осиёга бостириб кирганда унга таслим бўлган амирларнинг айримларини қатл этиши, Амир Темурни эса ўз хизматиға олишидан мақсадни батафсил тушуштириб бериш.*

Кейс матни. 1361 йили Тўғлуқ Темурхон яна Мовароуннаҳрга кўшин тортади ва Ҳожи Барлос Хуросонга қочишга мажбур бўлади Иккинчи марта Мовароуннаҳрни забт этган Туғлиқ Темурхон кўпгина Мовароуннаҳ амирларини қатл этди. Булар ичида Мовароуннаҳнинг шу пайтдаги энг кучли амирларидан Амир Баён Сулдуз ва Боязид Жалойирлар ҳам бор эди. Амир Темур Туғлиқ Темурхоннинг йирик амирларидан Ҳамидбекнинг (бу амир Соҳибқироннинг отаси бу вақтда марҳум амир Тарағайнинг дўсти эди) ёрдами билан яна хон хизматиға кирди.

Кейс юзасидан топшириқлар:

1. Тўғлуқ Темурхон нима учун Мовароуннаҳнинг энг кучли амирларини қатл этди?

2. Туғлуқ Темурхон нима учун Амир Темурни иккинчи марта ҳам ўз хизматиға олди?

3. Ҳожи Барлос нима учун қочишга қарор қилди, таслим бўлмади?

Кейс юзасидан топшириқ.

Талабалар ушбу кейсни эчиш ва тақдимот қилиш учун *муаммоли вазият* *методининг* жадвалини тўлдирадилар:

Вазият тури	Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Мазкур вазиятда Сиз қандай қарор қабул қиласиз?
Тўғлуқ Темурхон нима учун Мовароуннахрнинг энг кучли амирларини қатл этди?		
Туғлуқ Темурхон нима учун Амир Темурни иккинчи марта ҳам ўз хизматиға олди?		
Ҳожи Барлос нима учун қочишга қарор қилди, таслим бўлмади?		

Кейснинг эчими:

Вазият тури	Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Мазкур вазиятда Сиз қандай қарор қабул қиласиз?
Тўғлуқ Темурхон нима учун Мовароуннахрнинг энг кучли амирларини қатл этди?	Бу орқали Туғлуқ Темур Мовароуннахрнинг сиёсий ва ҳарбий қудратини синдирмоқчи эди	Туғлуқ Темурхон томонидан йирик амирларнинг қатл этилиши, кейинчалик Мовароуннахрда марказлашган давлат ташкил топишига ҳам қулай шароит яратди.

Туғлуқ Темурхон нима учун Амир Темурни иккинчи марта ҳам ўз хизматига олди?	Мовароуннахрнинг йирик амирларини қатл этилиши кўпгина амирларни Мовароуннахрни тарк этишига ва уларни ташқарида ўзаро бирлашишига сабаб бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам у Амир Темурни хизматга олиш орқали бошқа амирларни ҳам ўз ҳузурига чорлашга интилди.	Амир Темурнинг Туғлуқ Темур хизматига киришининг сабабларидан яна бири Мовароуннахрнинг бир қисмини бўлса ҳам мўғуллар талон тарождидан сақлаб қолишнинг ягона чораси ҳам эди. Бу кейинчалик озодлик курашининг бошланишига кенг шароит яратди
Ҳожи Барлос нима учун қочишга қарор қилди, таслим бўлмади?	Йирик амирларнинг қатл этилиши Ҳожи Барлоснинг қочиб кетишига сабаб бўлди.	Ҳожи Барлос Мовароуннахрнинг тарк этган амирларнинг энг йирикларидан бири эди. Кейинчалик шу каби амирлар Амир Темур раҳномалигида Мовароуннахрни озод қилиш учун Мовароуннахрдан ташқарида бирлашдилар ва озодлик курашини бошладилар.

Кейс №3.

Кейснинг мақсади. *Талабаларда Амир Темур давлатига қарши тузилган иккинчи учлар иттифоқи аъзоларини қандай манфаатлар бирлаштирганлиги ва бу иттифоқни заифлаштирган омиллар нимада эканлиги масаласи бўйича тўғри тушунчани шакллантириши.*


Кейс матни. Ўз кучсизлигини англаган Тўхтамишхон Амир Темурга қарши янги ҳарбий иттифоқ тузишга жиддий уринади. Унинг вакиллари 1394

йили Дамашқда Миср султони Барқуқ ва турк султони Боязиднинг элчилари билан музокаралар олиб бориб, ҳарбий иттифоқ тузади. Гарчи ҳарбий иттифоқ тузилган бўлса-да, амалда у ҳаракатга келмайди.

Кейс юзасидан топшириқ:

1.Венн диаграммаси асосида Амир Темур давлатига қарши тузилган иккинчи учлар иттифоқи аъзоларини умумий ва хусусий манфаатларини ёритиб бериш

Талабалар ушбу кейсни эчиш ва тақдимот қилиш учун *ВЕНН диаграммасини* тўлдирадилар:



Ўтказилиш тартиби:

1– қадам — жуфтликларда ташкилланади (талабалар жуфтликларга бўлиниб, ҳамкорликда фаолият олиб борадилар) — иш мазмуни — доиранинг тушунчаларга ажратилган тегишли қисми (ташқи доиралар)га тушунчаларни ўзаро фарқловчи жиҳатлар, бирламчи умумий (ички доира)га эса уларни ўзаро бирлаштирадиган жиҳатлар, иккиламчи умумий (3 та ички доира)га эса уларни ўзаро бирлаштирадиган жиҳатлар ёзилади;

2– қадам - талабалар кичик гуруҳларга бирлашадилар ва тузган диаграммаларини ўзаро таққослайдилар, тўлдирадилар;

3– қадам – иш кичик гуруҳларда давом этади: тушунчаларнинг умумий жихатлари рўйхати тузилади.

Кейснинг ечими:

АБС - Умумий манфаат (уч иттифоқчи учун): Амир Темур давлатининг европага чиқишига йўл қўймаслик, Буюк Ипак йўлининг устидан ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш

АБ - Олтин Ўрда ва Усманийлар давлати ўртасида: Амир Темур давлатини Қора денгиз соҳилларига чиқишига йўл қўймаслик. Бу ҳолат Олтин Ўрданинг Қора денгизнинг шимолий соҳилларида, Усманийларнинг эса жанубий шарқий соҳилларда ҳукмронлик қилишига чек қўяр эди.

АС - Усманийлар ва Миср давлати ўртасида Ўрта эр денгизининг шарқий соҳилларида Амир Темур давлатини ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик. Бу ҳудуд Миср давлати таркибида бўлиб, у ўз ҳудудидан ажралишни хоҳламас эди. Усманийлар келажакда бу ҳудудни босиб олишни режалаштиргани учун ҳам бу эрларни кучли Амир Темур давлати таркибида эмас, Миср таркибида бўлиши улар учун қулай эди.

БС - Олтин Ўрда ва Миср ўртасида: Кавказортини Амир Темур давлати таркибига киришига йўл қўймаслик. Бу ҳолат Олтин Ўрданинг Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғидан бутунлай узиб қўяди, Мисрни эса Амир Темур давлати билан ўзаро қўшни бўлиб қолишига олиб келади.

3. Хусусий манфаатлар:


А) Олтин Ўрда давлати Кавказ ортида ҳукмронликни ҳукмронликни қўлга киритиш орқали Буюк Ипак йўли устидан тўла ҳукмронлик ўрнатмоқчи эди. Шу мақсадга эришиш учун Амир Темур давлатига қарши курашда Усманийлар ва Миср давлатларининг ҳам ҳарбий кучларидан фойдаланишни мақсад қилган эди.

Б) Усманийлар давлати Амир Темур давлатини ўз ҳудудларига Олтин Ўрда ва Миср кучларидан фойдаланган ҳолда

яқинлаштирмаслик, ўзаро курашда уларнинг кучсизланишидан фойдаланиб келажакда ўзи Миср қарашли Ўрта эр денгизининг шарқий соҳилларини ва Олтин Ўрда ўз назоратига олмоқчи бўлган Кавказ ортини забт этмоқчи эди.

С) Миср давлати асосан Олтин Ўрда иложи бўлса Усманийлар давлатининг ҳарбий қудрати эвазига Амир Темур давлатининг Ўрта эр денгизининг шарқий соҳилларига этиб келишига йўл қўймаслик. Усманийлар забт этишни мўлжаллаган Ироқда ўз таъсирини ўрнатиш.

“Амир Темур давлати” мавзуси юзасидан тақдимот.



**Мавзу: Амир Темур
давлати**

Режа

1. Амир Темур давлатининг ташкил топиши арафасида Осиёдаги сиёсий вазият
2. Амир Темур давлатининг энг асосий вазифалари
3. Стратегик вазифаларнинг бажарилиши: жараён ва фактлар
4. Хулоса



Амир Темур давлатининг ташқи сиёсатдаги стратегик вазифалари

Мўғулистон давлатини тор-мор келтириб, шимолий чегаралар ва Хитойгача бўлган карвон йўли хавфсизлигини таъминлаш


Жўчи улусини тор-мор келтириб, шимолий чегаралар ва БИЙнинг жанубий тармоғи хавфсизлигини таъминлаш

Эрон худидидаги ўзаро урушларга чек қўйиш орқали БИЙнинг жанубий тармоғида хавфсизликни таъминлаш


Усмонли турклар ва Мисрни тор-мор этиш орқали Ўрта ер денгизига чиқиш, Европа билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш

Европа ва Осиёнинг йирик давлатлари билан тенг ҳуқуқли сиёсий, дипломатик ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш









«Амир Темур давлати» мавзуси бўйича ёки умуман олганда тарих фанидан танланган мавзу бўйича тақдимот материалларини тайёрлаш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, биз қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз:

- Аввало мавзу бўйича материал билан тўлиқ ва батафсил танишиб, уни мукаммал ўзлаштириш;

- Мавзунини тўлиқ ёритиб беришга хизмат қиладиган педагогик технологияларни белгилаб олиш;

- Танлаб олинган педагогик технологиялар асосида тақдимотлар тайёрлаш учун замонавий ахборот технологияларини имкониятларидан тўла фойдаланиш малакасига эга бўлиш;

- Тақдимотлар учун мавзу бўйича материалнинг энг асосий, мавзу моҳиятини тўла очиб беришга хизмат қиладиган, энг кўп муҳокама ва мунозара талаб қиладиган, таснифлаш, туркумлаш, гуруҳлаш, қиёслаш, умумийлик ҳамда хусусийлик жиҳатларини кўрсатиб бериш ва умумлаштириш талаб қилинадиган қисмларини белгилаб олиш;

- Тақдимотлар тайёрлаш жараёнидаги ёруғлик, ранг, шакл ва ҳажмни белгилашда, дизайнини танлашда қулайлик, талабаларни толиқтириб қўймаслик, уларнинг диққатини асосий материалдан четга тортиб юбормаслик каби масалаларга эътибор қаратиш;

- Талабалар томонидан тарихий жараённи ҳис қилинишини таъминлаш учун мавзуга доир суратлардан самарали фойдаланиш (суратлар тақдимотлар сонининг 30 % ошиб кетмаслиги тавсия этилади, шунингдек тарихий суратлардан тақдимотларни орқа фонида фойдаланиш мумкин);

- Тарихий жараённинг ривожланиш динамикасини ёрқин кўрсатиб бериш учун тайёрланган тақдимотларни намоиш этишда турли хил анимациялардан самарали фойдаланиш (экранда бирданига тўлиқ ҳолатда намоён бўлган материалдан кўра ўқитувчининг нутқи билан боғлиқ ҳолда бирин кетинликда ва зарур пайтда кўринадиган материалнинг таъсир кучи

юқори, албатта)

- Такдимотларда жанглардаги қўшиннинг жойлашиши ва ҳаракатланиш жараёнларини кўрсатиб берувчи схемаларни тайёрлашда, жангнинг ривожланиш динамикасига мос бўлган анимациялар ва кетма-кетликдан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Мисол учун биз 1391 йилги Қундузча жанги ва 1402 йилги Анқара жанги схемаларини шундай услубда тайёрладик. Анқара жангида жараёнинг ривожланиши ва экракдаги ўзгаришлар қуйидагича кечди:

1. Жанг майдонида Амир Темур ва Султон Боязид лашкарлари саф тортди.
2. Султон Боязид қўшинлари ўнг ва чап қанотдан, энг асосий кучлари эса марказдан ҳужум бошлайди. (оч яшил ранг стрелкалар пайдо бўлади)
3. Амир Темур қўшинлари ҳам шу тартиб ҳужумга ўтади, лекин улар асосий зарбани икки қанотдан беришади. Уларнинг мақсади икки қанотдаги ёриб ўтиб, душманни ўраб олиш эди. (икки қанотдаги йирик кўк рангдаги стрелкалар пайдо бўлади)
4. Амир Темур қўшининг марказий қисми чекинишга мажбур бўлди. (орқага қайрилган кичик рангдаги стрелкалар пайдо бўлади)
5. Амир Темур марказ(ғул)га ёрдам бериш учун заҳира қисмларининг бир қисмини жангга киритди. (марказдаги тўғри кичик стрелкалар пайдо бўлади)
6. Душман икки қаноти чекина бошлайди. (Икки қанотда орқага қайрилган оч яшил стрелкалар пайдо бўлади)
7. Душманнинг маркази ҳам икки қанот чекинаётганлиги ва Мовапроуннаҳр лашкари марказига Амир Темур заҳирадан ёрдам ташгани учун чекина бошлайди. (Марказда орқага қайрилган оч яшил стрелкалар пайдо бўлади)
8. Душманнинг чекиниши тартибсиз қочишга айланади. (қора рангдаги стрелкалар пайдо бўлади)

9. Амир Темур душманни тўла қуршаб олиш учун қанотдан зарба бериш душман сафининг ортига ўтиб олган лашкарининг бир қисмини душман марказининг ортига зарба берига топширик беради ҳамда жангни тўла ғалаба билан яқунлайди. (душман марказининг ортида кўк рангдаги стрелкалар пайдо бўлади)

Албатта, юқоридаги мисол энг оддий ва содда вариантлардан бири бўлиб, уни замонавий ахборот технологиялардан мутахассис бўлмаган, ундан фойдаланиш бўйича озгина хабардор тарих фани ўқитувчиси бемалол тайёрлаши мумкин. Мутахассис ёрдамида бу жанг схемасини янада жонлироқ ва таъсирлироқ қилиб тайёрлаш учун имкониятлар жуда кўп.

ГЛОССАРИЙ.

- **Чигатой улуси** – Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойга инъом этилган ҳудудларда ташкил топган давлат бўлиб, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, эттисув ва Жанубий Хоразмни ўз ичига олган. Икки ҳудудий-иқтисодий асосга таянган давлат эди. Бири ўтроқ деҳқончилик маданияти ҳукмрон бўлган Мовароуннаҳр бўлса, иккинчиси кўчманчи чорвачиликка асосланган хўжалик шакли асосий ўрин тутган эттисув ва Шарқий Туркистон ўлкаларини ўз ичига олган ҳудуддир. Бу ҳудуд тарихий манбаларда ҳали туркийлашиб улгурмаган мўғуллар аҳолининг асосий қисмини ташкил этганлиги учун ҳам Мўғулистон деб ҳам аталарди.

- **Амир Қазаған** – Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиб, қўғирчоқ хонлар номидан ҳукм сурган дастлабки амир.

- **Амир Ҳусайн**–Амир Қазағаннинг набираси, Амир Темурнинг дастлаб иттифоқчиси, кейинчалик рақиби..

- **Элхонийлар давлати** – эрон ҳудудида ташкил топган мўғул давлати. 1335 йили сўнгги хони Абусаидхон вафотидан сўнг парчаланиб кетган .

- **Миср давлати** – Мамлуклар сулоласи ҳукмронлик қилган, Миср ва Ўрта эр денгизининг шарқий соҳиллари, Фаластин, Сурия ҳудудларидан

ташкил топган давлат. .

- **Усманийлар давлати** – Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида Усмон раҳбарлигида ташкил топган бекликнинг ривожланиши натижасида ташкил топган. Усмоннинг авлодлари даврида бутун Кичик Осиё, Болқон ярим ороли, Қора денгизнинг ғарбий, шимолий ва жанубий соҳилларини, Шимолий Африка, Олд Осиёни бўйсундирган йирик салтанат.

- **Ғул (Қалб)** – Қўшиннинг жанговар сафидаги марказий қисм Амир Темурнинг ҳарбий ислохотлари натижасида аҳамияти кучайтирилган.

- **Жўжи улуси, Олтин Ўрда** – ХИИИ аср 40 йилларида Ботухон бошчилигида ташкил қилинган феодал давлат. Жўжи улуси Қуйи Дунай, Фин кўлтиғидан Иртишгача, Қуйи Об, Қора, Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Балхаш кўлидан Новгород эрларигача бўлган ҳудудда мавжуд бўлган.

- **Тархон** – Чингизийлар давлатида ҳукмдор ва ҳарбий аслзодаларни давлат олдидаги хизматлари учун тақдирлангин мулк. Улар турли солиқлардан озод қилиниб, ов пайтида урушларда қўлга киритилган ўлжаларни шахсий мулк сифатида тақсимлаб берилишига нисбатан номланган.

- **Муҳтасиб** – бозорлар назоратчиси, маҳсулотлар, гўшт, мева-сабзавотларни текширувчи ҳамда аҳолини ахлоқий ишлари бўйича кузатувчи вазифаларини ўтаган.

- **Мушриф** – девонда молиявий назорат ишларида хизмат қиладиган лавозимли шахс.

- **Суюрғол** – Чигатой улуси ва темурийлар даврида эр эгаллиги муносабатларида инъом этилган эрлар.

- **Лой жанги** - “Лой жанги” номи билан машҳур бўлган бу жанг 1365 йилнинг 22 май куни (Шомийда июн) Тошкент ва Чиноснинг ўртасида дарё яқинида бўлиб ўтган. Жанг бошланиши арафасида қаттиқ ёмғир ёғиб ҳаммаёқ лой бўлиб кетганлиги, жанг лой майдонда олиб борилганлиги учун “Лой жанги” деб ном олган. Мовароуннахр қўшини бу жангда ўн минг

кишидан айрилди ва тарқоқ ҳолда қочишга мажбур бўлди.

- **Беш йилик юриш** – беш йиллик юриш давомида Шимолий эрон тўлиқ забт этилади ва у эрдаги маҳаллий Саййидлар сулоласи ҳукмронлиги барҳам топади. Шунингдек, яна бир йирик ҳукмдорлар сулоласи бўлмиш Музаффарийлар сулоласи ҳам тугатилиб, Форс ўлкаси Умаршайх мирзо, сўнгра унинг ўғли Пир Муҳаммад мирзо бошқарувига ўтказилди. Ширвон, Озарбайжон, Курдистон, Арманистон, Гуржистон ҳудудларида Соҳибқирон ҳукмдорлиги мустаҳкамланиб, Ироқ мамлакати бўйсундирилди. Юқорида таъкидланган ҳудудлар эса Мироншоҳ мирзо бошқарувига топширилди.

- **Уч йиллик юриш** - Амир Темурнинг 1585-1387 йилларни ўз ичига олган юришларидан иборат. Бу юриш натижасида Шимолий ва Марказий Эрон, Озарбайжонда Амир Темур ҳокимияти ўрнатилди. Шунингдек, Ширвон, Арманистон, Грузия мамлакатлари ҳам Амир Темур ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Лекин бу мамлакатларнинг аксарияти Соҳибқирон кўшинлари Хоразм, Олтин Ўрда ва Мўғилистон ҳукмдорларининг иттифоқига қарши кураш олиб борган йилларда (1388-1391) ўз мустақилликларини тиклаб олдилар.

- **Етти йиллик юриш** – 1399 – 1404 йиллар давомида олиб борилган. Ушбу юриш давомида Кавказorti, Ироқ қайта забт этилди, Миср ва Усмонли турклар давлатлари тор-мор келтирилди ҳамда Ўрта ер денгизининг шарқий соҳиллари, жумладан Сурия ҳудуди, Кичик Осиё бўйсундирилган. Ушбу юриш етти йил муддатга режалаштирилганлиги, яъни кўшин етти йилга мўлжалланган озиқ овқат ва қурол-яроғ захираси билан таъминланганлиги сабабли етти йиллик юриш деб ном олган.

- **Манғлой** – лашкарнинг олд қисми

- **Ҳировул** – лашкарнинг олд қисми, манғлойдан ҳам аввал, илғордан кейин жойлашади, авангард

- **Канбул** – қанотлар ҳимояси учун қўйилган қўриқчи бўлинма, кўп ҳолларда улар душман қанотларини айланиб ўтиб, уларга орtdан зарба

берган.

- **Булғомиший** – разведка қилиш, душман томонни яширинча ўрганишни ташкиллаш

- **Уғруқ** – қўшиннинг чодирлар, аравалар ва захиралар жойлашган орт қисми, обоз.

- **Шабихун** – тўсатдан уюштириладиган тунги хужум.

- **Удрудмиший** – ҳийла билан ёлғондакам чекиниш

- **Зархарид** – пулга сотиб олинган қул ёки мулк.

- **Чангдовул** – лашкарнинг орт қисми, аръергард.

- **Шундуломиший** – бу ҳарбий атама икки хил маънога эга: 1) душманни изма-из таъқиб этиш; 2) икки кишини отга мингашиб юриши.

- **Мурчол ёки малжор** – қамал қилаётган лашкар томонидан тикланган окоп тарзидаги муваққат истехком

- **Укулка** – саркарда ва жангчиларни рағбатлантириш учун мукофот тарзида бериладиган маблағ

- **Талошмиший** – мусобақа, бу ерда ҳарбий ўртасидаги мусобақа.

- **Юртчилар** – қўшин қароргоҳ қуриши учун қулай жой танлаб, хозиргарлик кўриб турадиган ҳарбий бўлинма

- **Тешмиший** – сўроқ қилмоқ

- **Раъд ва қаробуғро** – ўтсочар қамал қуроллари, дастлабки тўплар

- **Султоний жанг** – лашкарбоши тарафидан асосий кучлар майдонга ташланадиган ҳал қилувчи жанг, кўп ҳолларда лашкарбошининг ўзи бошчилигидаги кучлар жалб этилган.

- **Эгирмиший** – доира ясаб айланмоқ. Душманни доира ичига ўраб олиб, айланиб камондан ўққа тутиб тор-мор келтириш

- **Булғошмиший** – бир-бирига аралашмоқ. Душманни ўраб олиб, унинг жанговар сафларини бир-бирига аралаштириб юбормоқ, душман бошқарувини тўла издан чиқармоқ.

- **Никовуллар** – чекинаётган душманни таъқиб қилиш учун жўнатилган

ҳарбий қисмлар.

- **Чоғламиший** – чамаламоқ; аниқламоқ. Душманнинг сонини, салоҳиятини ўрганиш, чамалаш ишларини ташкил этиш, хулосаларни тайёрлаш.

- **Фидойи** – суиқасдлар учун тайёрланган махсус қотил: 1401 йили Дамашқ шаҳрида Амир Темурга суиқасд қилмоқчи бўлганларида фош қилинган.

- **Мунчи, Мучо, Мучи** – лашкар қанотидаги ҳарбий қисм; қанбул билан ёнма ён жойлашган.

- **Маймана, баронғор** – қўшиннинг жанговар сафидаги ўнг қаноти.

- **Майсара, жавонғор** – қўшиннинг жанговар сафидаги чап қаноти.

- **Кечомиший** – бирор тадбирда, асосан жанговар ишда ўзини кўрсатиш, кўпчиликка ўрнак бўлиш

- **Габр** – ғайридин, оташпарст

- **Ўрга** – чодир, саропарда

- **Аюдочи** – эшикбон. Удайчи номи шундан келиб чиққан.

- **Белак** – белкурак шаклидаги ёй ўқи.

- **Уромиший, узомиший, узатмиший** – асир олмасдан қўйиб юбориш ёки чекинишига имкон яратиб бериш. Кўпроқ душман сафида кўрқув уйғотиш мақсадида амалга оширилган.

- **Буқиқ** – пистирмада турган ҳарбий қисм.

- **Булғовул** – разведка бўлинмаси

- **Муқаддима** – лашкарнинг олд қисми, баъзан манғлой шундай ҳам аталган.

- **Қазоқлар** – ўз улусидан ажралиб чиқиб, бошқа юртларда хизмат қилаётган, мусофирликда яшаётган гуруҳлар. Кўпроқ тахт учун курашаётган шахзодалар атрофида тўпланиб, у тахтга чиққунга қадар дарбадар юрган гуруҳлар.

- **Қораунослар** – Мовароуннаҳрдаги ҳарбий жихатдан кучли қавмлардан

бири, асосан, амир Қазағон ва унинг авлодларига хизмат қилишган.

- **Такомиший** – мағлуб душманни таъқиб қилиш.
- **Кешиктон** – навбатчи, соқчи.
- **Наълбаҳо** – “тақа ҳақи” – ҳарбий товон. “Пули омон” солиғи, “Тақа пули” номи билан ҳам кенг тарқалган. Жангсиз таслим бўлган ҳудудлар ёки шаҳарлар томонидан тўланган. Бундай ҳудуд ёки шаҳарларга ҳарбий қўшин киритилмаган, улар талон-тарожга учрамаган.

- **Чухра** – оқсуяк тоифадан чиққан ва сарой хизматида бўлган ўспирин ёки ёш йигит. Одатда ушбу чухралардан йирик амалдор ва саркардалар етишиб чиққан

- **Ахтачи** – отбоқар
- **Қуловуз, ғажарчи** – йўл бошловчи
- **Тўра** – ясо, тузук, қонун, қоида.
- **Ёсоққа етказмоқ** – қатл қилмоқ, жазо тури
- **Чўб ясоқ қилмоқ** – калтакламоқ, жазо тури
- **Улуфа** – озиқ-овқат ва лашкар таъминоти учун зарур нарсалар, кейинчалик ҳукмдор томонидан бериладиган инъом ва маош маъносида ҳам қўлланилган.

- **Шабгир** – лашкарнинг тунда йўл юриши, шабгирнинг ўз қонун қоидаси ва талаблар бўлган ҳамда кундузги йўл юришдан эҳтиёткорлик чоралари бир мунча кучлилиги билан ажралиб турган. Мисол учун гулхан ёқиш қаттиқ жазоланган.

- **Ясол ёки ёсол** – қўшининг жанговар саф тортиши
- **Қўшун** – бир неча юз кишидан ёки ундан ҳам камроқ жангчидан иборат ҳарбий қисм. **Қўшун** сўзини **қўшинга** яъни лашкар маъносида сўзга адаштирмаслик лозим.

- **Амир ул-умаро**- амирлар амири, катта амир, бош қўмондон.
- **Баргуствон** – от устига ташланадиган зирҳланган ёпинчиқ
- **Буржу бора** – қалъанинг мустаҳкамланган девори ва минораси

- **Даҳа** – ўнлик ҳарбий қисм
- **Сада** – юзлик ҳарбий қисм
- **Жиба** – темир ёки пўлатдан тайёрланган махсус ҳарбий кийим
- **Забонгир** – тил олиб келиш. Душман тараф лашкарининг умумий аҳволини билиш мақсадида унинг сипоҳийларидан бирини тутиб олиб келиш.
- **Закотчи** – солиқ йиғувчи
- **Кўчабанд** – баррикада, душмандан ҳимояланиш мақсадида кўчани турли ашёлар билан беркитиб, мудофаа чизиғини барпо этиш. Мисол учун Самарқанд сарбадорлари қўллаган.
- **Кутвол, қутвол** – қалъа бошлиғи
- **Манжаниқ** – ичига тош солиб отиладиган уруш қуроли, палаҳмон
- **Мурчил** – ҳар бир ҳарбий қисм учун ажратиб берилган мудофаа чизиғи. Одатда қўшин бирор бир жойда тўхтаганда ёки ҳимояланаётганда ўра, яъни окоп қазиб мустаҳкамлаш учун ажратиб берилган ер.
- **Нафт андоз** – нефтни ёндириб отувчи, қамалдаги қалъага нефт отувчи махсус қурилма, ҳарбий қурол.
- **Нақб** – тешиқ, уруш ва қамал пайтида ер остидан қалъа сари казиладиган лаҳм. Қўшин сафида махсус нақбчилар бўлиб, улар шаҳар девори остида, дарвозаси остида лаҳм қазиб мудофаа иншоатини қулатганлар.
- **Ол тамға** – қизил муҳр. Фақат энг муҳим ҳужжатларга босиладиган ҳукмдорнинг шахсий муҳри
- **Оталиқ** – шахзодаларнинг яқин маслаҳатчиси, тарбиячиси. Улар балоғатга еткунга қадар улусларни бошқариш ҳам оталиқлар зиммасида бўлган.
- **Сарқуб** – қалъа рўпарасига тупроқ ва тошдан баланд қилиб уйилган сунъий тепалиқ. Қалъани ўққа тутиш учун қурилган.
- **Сурон** – жанг олдидан қилинадиган жанговар чакириқ.

- **Тавочи** – лашкар йиғиш, қўшинни кўриққа ҳозирлаш ва ьошқа хўжалик ишлари билан шуғулланувчи юқори мансаб эгаси
- **Тура, тўра** – пиёдаларнинг катта қалқони, қўшин ҳимояланганда туралар бир-бирига боғланиб, аробаларга мустаҳкамланиб мудофаа чизиги тайёрланган. Тураларнинг орасидан пиёдаларнинг узун найзалари чиқариб қўйилган.
- **Тўлғама** – душман лашкарининг қанотларини айланиб ўтиб ортидан зарба бериш тактикаси. Айнан шу тактикада канбул ҳарбий қисми асосий рол ўйнаган.
- **Хабарчи** – душман хусусида маълумот олиб келувчи, разведкачи.
- **Ҳандақ** – ўра, душман лашкарини ўтказмаслик учун қалъа атрофида, қўшин жойлашган ҳудуд атрофида қазилган махсус зовур.
- **Хокрез** – қалъа атрофига ўр қилиб уйилган тупроқдан иборат мудофаа иншооти
- **Чапар** – ҳимояланаётганда ўра ва зовур атрофини ўраб турадиган массус симдан тўқилган четан.
- **Чонғи** – от устида ўтказиладиган қисқа кенгаш
- **Ўрду бозор** – ҳарбий юришлар вақтида лашкар жойлашган жой яқинида уюштириладиган махсус бозор.
- **Қурултой** – энг муҳим масалаларни ҳар этиш учун чақириладиган махсус олий кенгаш

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Замонавий ахборот ва педогогик технологиялардан самарали фойдаланиш Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг илмий ва услубий савиясини ошириб боришнинг муҳим омилларидан биридир.
2. Ўзбекистон тарихини ўқитишда берилаётган ўқув материалининг илмий асосланганлиги, илмий янгилиги қай даражада аҳамиятли бўлса, ўқитишнинг энг замонавий ва самарали педогогик технологиялар билан таъминланганлиги ҳам шу даражада муҳим. Агарда дарсини бир куш деб тасаввур қилсак, илмий ва методик (педогогик) таъминланганлиги қушнинг икки қанотидир.
3. Ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг педогогик салоҳиятини доимий равишда ошириб бориши, бу борада замонавий педогогик технологиялари, ўқитишнинг замонавий техник воситалари бўйича янгиликлардан доимий хабардор бўлиши ва уларни ўзлаштириб бориши муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан ўқитувчининг янгиликларга очиклиги, уларни қабул қилишга тайёрлиги, ўзининг фаолиятига танқидий ва ижодкорона ёндашуви, инноватсион ва креатив потенсали ҳам алоҳида ўрин тутади.
4. Ўқув машғулотини юқори илмий ва педогогик савияда ўтказишда техник таъминот ҳам муҳим ўрин тутади. Лекин, техник таъминотнинг юқори савияси юқори сифатнинг кафолати эмас. Бу кўпроқ ўқитувчининг технологик коммуникативликлги, педагогик қобилияти, педагогик тажрибаси, педогогик креативлигига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўқув жараёнининг техник таъминоти, педогогик таъминот билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши, бу икки жиҳатнинг параллел ривожланиши, бири иккинчисидан ортда қолмаслиги лозим.

5. Педагог асосан ёшлар билан ишлайди. Ёшлар эса янгиликларга, айниқса, замонавий ахборот воситаларидаги янгиликларга очиклиги, уларни тезроқ ўзлаштиришга мойиллиги билан ажралиб туради. Бу борадаги янгиликларни ўзлаштиришда, улардан сифатли, тўғри ва самарали фойдаланишда ўқитувчининг ортида қолиши, унинг талаба ёшларни бошқаришида, уларни ўз ортидан эргаштиришида катта муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам педагог ўқитишнинг замонавий техник воситаларини, замонавий педагогик технологияларни доимий ўзлаштириб бориши, улардан ўқув жараёнига тайёргарликда ҳам, ўқув жараёнида ҳам самарали фойдалана олиши зарур. Бу борада ушбу мазмундаги ўқув қўлланмаларига бўлган талаб ошиб бормоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

I. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
3. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1999. -139 б.
4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
6. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият, 2008. -176 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир” маърузаси. - Тошкент., 2013 йил 6 декабрь.
10. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида

хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Т.. Ўзбекистон, 2015. – 304 б.

II. Норматив меъёрий хужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон ва 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли буйруғлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1981-2 - сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган. (ЎР ҚХТ, 2013 й., 50-сон, 659-модда).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги “Олий таълим муассасалари талабаларини меъёрий-хужжатлар билан таъминлаш тўғрисида”ги № 114 - сонли буйруғи.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги № 3-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз

таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги 5-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги № 242-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар.

1. Олий таълим. Меъёрий - ҳуқуқий ва услубий хужжатлар тўплами. “Истиқлол” -Т., 2004.

2. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий хужжатлари тўплами. -Т., 2013.

3. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. -М.: РУДН. 2002.

4. Регион: Управление образованием по результатам Теория и практика / Под редакцией П.И.Третьякова. -М.: Новая школа. 2001.

5. Болюбаш Я.Я. Организация учебного процесса в высших учебных заведениях. - К.: Компас, 1997.

6. Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. –Т.,2015. 164-бет.

7. Амир Темур -фахримиз, ғуруримиз. -Т.: Ўзбекистон, 1998.- 208 б.

8. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Маҳсул муҳаррир А.Ўринбоев. -Т.: Меҳнат, 1992. 1-к. - 328, 2- к. -192 б.

9. Низомиддин Шомий. Зафарнома/Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масхул муҳаррир – А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники). Ҳофизии Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и – («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

- 528 б.

10. Темур тузуклари /Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси; Б. Аҳмедов таҳрири остида. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. - 144 б.
11. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. /Сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков-Т.: Шарқ, 1997. - 384 б.
12. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний/ Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий – Т.: Ўзбекистон. 2011. 264 б.
13. Амир Темур жаҳон тарихида.-Т.: Шарқ, 1996. - 295 б.
14. Усмонов Б.А. Россия тарихшунослигида Амир Темур сиймоси – Т.: Фан. 2011. 128 – б.
15. Усмонов Б.А. Амир Темур давлати - Т.: Адабиёт учқунлари. 2016. 126 – б.